Стратегик ва минтақалараро
КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 39 (9.231) 1999 йил 7 апрель, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

# МДҲ: МАНФААТЛАР ТЕНГЛИГИ — АСОСИЙ ШИОРИМИЗ!

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Москвага — МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашувига сафаридан олдинги журналистларга интервьюсида таъкидланган ана шу тўрт тамойил Юртбошимизнинг бу учрашувга қандай кайфиятда йўл олганлигини яққол кўрсатиб турибди. Айтиш керакки, бу яқин орада ёки кеча пайдо бўлган фикрлар эмас. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил топган дастлабки кунлардаёқ эълон қилинган давлатимиз сиёсати шундай бўлиб келди ва сафар олди интервьюсида қатъият билан изҳор этилган фикрлар бундан кейин ҳам ушбу тамойиллар мамлакатимиз сиёсатининг етакчи йўналиши бўлиб қолаверишидан далолат беради.

**БИЗНИНГ СИЁСАТИМИЗ АНИҚ-РАВШАН:**

***• БИРИНЧИДАН, ҳар қандай ниқоб остида, ҳар қандай шаклда собиқ Иттифоқнинг қайта тикланишига мутлақо қаршимиз.***

***• ИККИНЧИДАН, МДҲ мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли бўлиши керак.***

***• УЧИНЧИДАН, МДҲ доирасида ўзаро иқтисодий алоқаларни яхшилаш — устувор масала бўлиши даркор.***

***• ТЎРТИНЧИДАН, МДҲни сиёсий-ҳарбий уюшмага айлантиришга, умуман, ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашишга қаршимиз.***

Шуниси диққатга сазоворки, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати бир хил асосга, яъни иқтисоднинг, иқтисодий ривожланишнинг устуворлиги асосига қурилган. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам маълум — мамлакатимиз иқтисодий қувватини жадал ўстириш, халқимизни тезроқ фаровонлик йўлига олиб чиқишдан иборат. Чунки сиёсатнинг устуворлиги, коммунистик мафкура ҳукмронлиги нималарга олиб келгани ҳақидаги аччиқ сабоқни халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Аммо, Ҳамдўстлик яшаётганига неча йил бўлса, шунча йилдан бери бошқа бир қолипда собиқ Иттифоқни тиклаш, турли сиёсий найранглар, ўйинлар кўрсатиб, мустақил республикаларни яна буюк давлат «қопқони»га илинтириш учун уринишлар тўхтамаяпти. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз қатъият билан Ҳамдўстлик истиқболи иқтисодий интеграцияда эканлигини қайта-қайта таъкидлаб келяптилар. Шунинг учун ҳам у МДҲ қарийб етти йил мобайнида қабул қилган 1300 га яқин ҳужжатларнинг атиги 10-15 фоизигина иқтисодий муаммоларга бағишланганидан яна бир бор ташвиш билдирди.

Давлатимиз раҳбарининг қатъияти, унинг ташқи сиёсатдаги собитқадамлиги, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг уйғунлиги бераётган самарали натижалар Ҳамдўстлик мамлакатларида ниҳоят тан олинаётганлиги мазкур ҳамжамият сиёсатининг йўналишига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Ниҳоят, кечаги Саммитда Россия Президенти Б. Ельциннинг, биз катта акаликдан воз кечамиз, сиёсий даъволарни рад этамиз, асосий эътиборни МДҲ иқтисодий интеграциясини чуқурлаштириш масалаларини ҳал этишга қаратамиз, деган гаплари янгради. Бу гаплар ўзининг амалий ифодасини топса — ташкилот аъзоларининг умидлари рўёбга чиқа бошларди. Мажлисда кўпроқ ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, бу алоқаларнинг энг мақбул шаклларини ҳар тарафлама такомиллаштириш борасида ҳамфикрликка интилиш руҳи сезилиб турганлиги таъкидланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, МДҲ ҳудудида эркин савдо маконини вужудга келтириш, солиқлар тўлашни тартибга солиш, бир-бирларига эшикни очиб қўйиш бугунги иқтисодий қийинчиликларни ҳар бир республикада муваффақиятли ечимга жиддий ижобий таъсир кўрсатган бўларди. Анъанавий иқтисодий, маданий-маънавий алоқалар ривож топарди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ҳар қандай ҳарбий-сиёсий уюшмаларга қўшилмаслик ҳақида билдирган мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор. Албатта, бундай блокларга қўшилиш бундан 20 йил олдин бошланган ва ҳамон давом этаётган Афғонистондаги урушга ўхшаш ҳаракатларни моддий, маънавий ва ҳарбий кучлар билан таъминлаш мажбуриятини юклаши табиий. Бу эса моддий зарар билан бир вақтда мақсадсиз қурбонларни ва бошқа фалокатларни ҳам вужудга келтириши мумкин. Бу борада ҳам Ўзбекистон нуқтаи сифатида назари тарафдорлари кўпаймоқда.

Шундай қилиб, бир қатор муҳим ҳужжатлар — улар орасида 1994 йил 15 апрелдаги эркин савдо зонаси яратиш тўғрисидаги протокол, МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ҳамдўстликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги декларацияси, МДҲ органларида раислик масаласи тўғрисида, МДҲ органлари тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш тўғрисидаги ва бошқа қарорлар имзоланди. Бу ерда МДҲ органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги Юртбошимиз сафар олдидан берган интервьюларидаги фикрлар қанчалик долзарб ва ҳамманинг кўнглидаги гаплар бўлиб чиқди.

МДҲ ижроия котиби қилиб тайинланган Юрий Яров журналистлар билан мулоқотда айтган гапларига қараганда, у айнан шу масалани тезроқ ечиш учун амалий ишга киришган.

Шундай қилиб, МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлис руҳи ҳам Ҳамдўстлик мамлакатлари ўзаро тенг ҳуқуқли ва манфаатли иқтисодий алоқалар қанчалик тез ва самарали амалга ошса, унга аъзо бўлган 12 республиканинг ҳар бири ва бутун ҳамжамият бундан катта наф кўришлари мумкинлигини кўрсатди. Айни пайтда иқтисоди ривожланган ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этиш йўлидан собитқадамлик билан бораётган Ўзбекистон Республикаси танлаган йўлнинг нақадар тўғрилигини яна бир бор намойиш этди.

*Муносабат*

**Тоҳир ЖАЪФАРОВ,**
**«Реле-автоматика» ОТАЖ технолог-муҳандиси:**

# КЕЧИРИМЛИЛИК — УЛУҒ ТУЙҒУ

— Ёшлар — келажагимиз. Шунинг учун ҳам республикамиз Президентининг ёшларга алоҳида меҳр, ғамхўрлик билан қараб келаётганлари ҳаммамизга маълум. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, у кишининг ёшларнинг билим чўққиларини эгаллашлари, замонавий касб-корларини ўрганишлари учун энг мураккаб иқтисодий шароитларда ҳам зарур шарт-шароитларни яратишга имкон топганларини ҳам яхши биламиз.

Айтиш керакки, ёшларимиз ҳам Юртбошимиз ишончини, халқимиз ишончини асосан оқлаб келмоқдалар. Улар ҳам буюк бобокалонлари изидан бориб, ҳам илм-фанда, ҳам чуқур заковат, касбий маҳорат талаб қиладиган ҳунарларни эгаллашга қодирликларини кўрсатишмоқда. Узоққа бормай, Асакадаги автомобилсозлик заводини оладиган бўлсак, ҳозир у ерда асосан маҳаллий ёшлар ишлашяпти. Ўнлаб ва юзлаб қўшма корхоналарда энг замонавий техника ва технологияларни бошқараётган йигит ва қизларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Биз ота-оналар келажак авлодларимизга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликни юксак қадрлаймиз. Айни пайтда ўғил-қизларимизнинг тўғри йўлдан боришларини таъминлашга масъул эканлигимизни ҳам бир дақиқа бўлсада унутмаслигимиз керак.

Ёшлик — ғўрлик деганларидай, баъзи ғаламислар қутқуси билан айрим йигит-қизларимиз боши берк кўчага кириб қолаётгани бизларни ташвишлантирмай иложи йўқ. Айниқса, экстремистик кучлар таъсирига берилганларнинг кирдикорлари яқиндагина ҳаммамизни қанчалик изтиробга солмади! Албатта, бу ёт мафкуранинг қора қилмиши.

Президентимизнинг айнан шундай ёшлар хусусида ойнаи жаҳон орқали гапириб, ўз хатосини астойдил тушуниб, узр сўраб, тўғри йўлга кирмоқчи бўлганларни кечиришларини билдирганларида, биз Юртбошимизнинг кечиримликларига яна бир бор тан бердик. Ҳа, ёшлар — навниҳол — уларни қаёққа эгсанг шундай ўсадилар. Президентимиз уларнинг қаддини ростлаб, адл ўсишларига яна бир бор имконият яратдилар. Шундай экан, ёшларимиз, улардан ҳам олдинроқ биз ота-оналар мазкур ғамхўрликнинг қадрига етишимиз, фарзандларимизнинг қандай қадам босаётганларидан доимо огоҳ бўлишимиз, уларни ҳамиша тўғри йўлга бошлашимиз керак.

Ўз фарзандларининг ишларидан бехабар ёки уларга бефарқ қаровчи ота-оналарни жамият ҳеч қачон кечира олмайди. Уларнинг ўзларининг ҳам бошлари надоматдан чиқмайди. Авф сўраб ота-оналари билан келган ёшларни ҳам кўрдик. Демак, Юртбошимиз қалбидаги чинакам оталик, мураббийлик ҳиссини улар ҳам туйишибди. Бу эса ёшларимиз келажагига катта ишонч туғдиради. Зеро, Ватаннинг ҳақиқий эгалари бўлган муносиб ворисларни тарбиялаш ҳаммамизнинг виждон бурчимиздир.



*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Сувмаш» корхонаси жамоаси халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Бу ерда турли-туман агрегатлар, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган насос ва машиналар, эҳтиёт қисмлар, электр двигатель ва юқори кучланишли трансформаторлар тайёрланади.*

*СУРАТДА: корхона илғор ишчиси Воҳид Асқаров.*

*Усмон Усмонов олган сурат.*

*Фестиваллар*

# ТЕАТР САНЪАТИ БАЙРАМИ

NAVRUZ 99
*Республика Театр санъати фестивали 1999 йил 30 март - 8 апрель*

***Юртимизда бошланган «Наврўз — 99» анъанавий республика театр санъати фестивали ниҳоясига етмоқда. Фестиваль кезлари пойтахтимиз театрлари санъат шинавандалари билан жуда гавжум бўлди. Жумладан, Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театрида Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилояти ўзбек мусиқали драма театрининг ёзувчи Йўлдош Сулаймон қаламига мансуб «Осмонга сиғмаган муҳаббат» спектаклининг намойишида томошабинлар кўп бўлди.***

Ушбу асар истиқлол туфайли элимизга қайтган, мамлакатимизда 1200 йиллик юбилейи кенг нишонланган улуғ мунажжим Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилади. Асарда ал-Фарғонийнинг ёшликдан илмга меҳр қўйгани ва Робия исмли қизга бўлган чексиз муҳаббати маҳорат билан очиб берилган.

Асардаги асосий ролларни — Аҳмад ал-Фарғоний сиймосини — Исроилжон Султонов ижро этган. Алломанинг ёшлик даврини — Акмал Мирзаев талқин этган. Гўзал Робияни — Гулнора Қодирова тимсолида кўрамиз. Мазкур асарни театрнинг бош режиссёри Муҳаммадсоли Юсупов саҳналаштирган.

Маънавиятимизни бойитишда, ёшларимизнинг тарбиясида театрнинг роли беқиёсдир. «Осмонга сиғмаган муҳаббат» спектакли томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Шунингдек, Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек Давлат драма театрида фестиваль доирасидан жой олган Наманган вилояти Алишер Навоий номидаги мусиқали драма театри жамоасининг «Усмон Носир қаерда?» спектакли томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Драматург Абдулла Аъзам қаламига мансуб мазкур тарихий асар ўзбек ўғлони, мустабид тузум қурбони, юрт озодлиги учун курашган оташин шоир Усмон Носир ҳаётига бағишланган бўлиб, унга Карим Йўлдошев режиссёрлик қилган.

Асарда ёлғон, тухматга дучор бўлган шоирнинг ҳаёти тўлақонли ифодаланиб бериладди.

Биз Усмон Носир ҳаёти ва ижоди билан кўпроқ бадиий асарлар орқали танишган эдик. Ушбу спектаклни томоша қилиш жараёнида эса шоирнинг бошдан кечирган воқеалари билан батафсилроқ танишиш имконига эга бўлдик.

Актёрлар ўзларига бириктирилган ролларни ўта маҳорат билан ижро этганликлари, томошабинга айтмоқчи бўлган фикрни, характерларни етказиб берганликлари боис спектакль ниҳоятда қизиқарли ва таъсирчан чиққан.

* * *

Ҳа, пойтахтимизда бошланган «Наврўз — 99» анъанавий республика театр санъати фестивали давомида тошкентлик санъат шинавандалари кўпгина мароқли спектаклларни кўриб ундан бир олам завқ олдилар. Бу санъат анжумани ўзбек театр санъати янада ўсишда давом этаётганлигини яққол кўрсатди. Буни артистларнинг, режиссёрларнинг қўйган спектаклларидан яққол кўриш мумкин.

ЭРТАГА

***«Наврўз — 99» театр санъати фестивалининг ёпилиш маросими бўлади. Унда театр санъати улкан кўриги ғолиблари аниқланади ва улар муносиб мукофот ва совринлар билан тақдирланади.***

*Маъмура РЎЗИЕВА.*

*Кўргазмалар*

# «ТИББИЁТ — 99»

КЕЧА

***«Ўзэкспомарказ» республика савдо кўргазмалар марказида тиббиёт ускуналари ва дори-дармонларнинг «Тиббиёт-99» халқаро кўргазмаси очилди.***

Аҳолига малакали тиббиёт хизмати кўрсатиш учун республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурини ҳаётга тадбиқ этишда ўзига хос ўрин тутадиган ушбу кўргазмада АҚШ, Германия, Франция, Швейцария, Финляндия каби дори-дармонлар ва тиббиёт анжомларини етказиб берувчи элликдан ортиқ етакчи хориж ва мамлакатимиздаги фирмалар ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Кўргазмага ташриф буюрганлар замонавий ультратовуш ва рентген аппаратлари, компьютер томографияси, лаборатория анжомлари, кардиология, онкология, эндокринологияга хос асбоблар билан қизиқиб танишмоқдалар, ўзаро манфаатли шартномалар тузилмоқда.

«Тиббиёт — 99» халқаро кўргазмаси 9 апрелга қадар давом этади.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х. Кароматов ва Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлагановлар иштирок этишди.

*(Ўз мухбиримиз).*

*Анжуманлар*

# АЁЛЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

КЕЧА

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Аёллар йили муносабати билан «Аёллар манфаатларини таъминлаш борасида 1999 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар Давлат Дастурини амалга ошириш — давр талаби» мавзуига бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, уларнинг фуқаролик, жамоатчилик, оналик, инсонийлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги Фармойиши ва қарорлари, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори юзасидан жойларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилди.

Анжуманни Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Ж. Ғайбуллаев кириш сўзи билан очди.

Семинар иштирокчилари Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдураҳимованинг «Аёллар манфаатларини таъминлаш борасида 1999 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар Тошкент шаҳар ҳудудий Дастурининг бажарилишини таъминлашда жамоат ташкилотларининг вазифалари», «Оила дорилфунуни» ўқув тарбиявий курсини ташкил этиш тўғрисида, шунингдек, ТДАИ профессори Н. Тўйчиевнинг «Келинлар институти ҳақида»ги маърузаларини тингладилар.

Маърузалар юзасидан мунозарада йиғилиш иштирокчилари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

*Моҳира РИЗАЕВА.*

# ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди. Ўзбекистон раҳбари бу юксак унвонга республикада Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ишлаб чиққанлиги ва амалга ошираётганлиги учун сазовор бўлди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча «Дўрмон» қароргоҳида Япониянинг «Кейзай Доюкай» корпоратив раҳбарлар уюшмаси президенти Коичи Минагучи раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди. Мулоқот чоғида хусусийлаштириш, коммуникация ва таълим соҳаларида ҳамкорликни, Ўзбекистон билан Япония корпоратив раҳбарлар уюшмаси ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга қаратилган бошқа кўплаб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бахтиёр Олимжонов Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинланди.

• **Кеча** Вазирлар Маҳкамасида 9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни сифатида ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлди.

• **Кеча** Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиздаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Тарихчилар жамияти кенгашининг навбатдаги йиғилишида тарихчилар олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

• Хоразм вилояти фаолларининг йиғилишида халқ депутатлари вилоят кенгашининг шу йил 26 мартда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзлаган нутқ асосида ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий, тарбиявий ишларни тубдан яхшилаш, аҳоли осойишталигини сақлаш бўйича олдинда турган вазифалар муҳокама этилди.

• Термиздаги француз ускуналари билан жиҳозланган сут заводида янги маҳсулот — Голландия технологияси бўйича «Эдем» пишлоғини тайёрлаш ўзлаштирилди.

• **Кеча** Тошкентда Ўзбекистон олий ўқув юртлари талабалар театр-студиялари жамоаларининг «Ниҳол-99» фестивали бошланди.

## ЖАҲОНДА

• Россия ва Украина Президентлари Борис Ельцин ҳамда Леонид Кучма икки мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрлиқларини алмашдилар.

• Белоруссияда ҳокимиятнинг маҳаллий органларига сайловларнинг биринчи босқичи ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси сайловларнинг ўтганлигини ҳисобга олди, бироқ шуни таъкидлаш керакки, мухолифат ушбу сайловларни бойкот қилди.

• **Бугун** Белоруссия Президенти Александр Лукашенко парламент депутатлари ҳузурида мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳвол тўғрисида сўзга чиқади.

• **Бугун** Киевда ҳамкорлик бўйича Россия — Украина комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилади.

• БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг Швейцарияга ташрифи бошланди. У ташриф давомида Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро комиссиянинг 55-сессиясида иштирок этади.

• Намибияда Демократлар конгресси номли янги партия ташкил этилди.

• Иорданиянинг янги подшоҳи Абдулла ибн Ҳусайн давлат бошлиғи сифатидаги биринчи хорижий сафарини Саудия Арабистонидан бошлади.

• Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат Иордания қироли Абдулла билан учрашиб, мустақил Фаластин давлатини эълон қилиш режалари билан ўртоқлашди. Ёсир Арофат бу ишни шу йилнинг 4 майида амалга оширишга тайёр эканлигини бир неча бор айтган.

• Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат ўзининг Москвага қилган икки кунлик ташрифи чоғида Россия раҳбарияти билан бошқа масалалар қаторида Фаластин давлатини эълон қилиш санаси — 4 май тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилди.

• Россия Федерацияси Бош прокурорлиги лавозимидан четлаштирилган Юрий Скуратовга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Уни Бош ҳарбий прокуратура олиб боради. Бугун эса Юрий Скуратов Давлат Думасининг мажлисида сўзга чиқиши керак.

• Сурия Президенти Ҳафиз Асаднинг Москвага қиладиган ташрифидан бир неча кун олдин (ташриф 12—13 апрелда бўлади) АҚШ маъмурияти Дамашқ билан ҳарбий-техникавий ҳамкорликда қатнашаётган Россиянинг бир қатор корхоналарига нисбатан жазо чораларини жорий этди.

• Чехия ҳукумати мамлакатнинг ҳаво бўшлиқларидан Югославияни бомбардимон қилишда қатнашаётган НАТО самолётларига фойдаланишга рухсат берди.

• **Бугун** Брюсселда Югославия бўйича боғлов гуруҳи йиғилади. Лекин Югославиянинг ўзида жанговар ҳаракатлар тўхтамаяпти. Аксинча, кузатувчиларнинг берган баҳоларига қараганда НАТО ана шу минтақада ўзининг ҳарбий иштирокини кучайтирмоқда. Англия ва Италия ҳарбий базаларига қўшимча ҳарбий кучлар келмоқда, у ерга танкларга қарши кураш олиб боришга мўлжалланган «Апачи» русумидаги 24 та Америка вертолётлари келтирилди. Кўпгина мутахассисларнинг берган баҳосига қараганда бу нарса Югославияга қарши қуруқликдаги операциянинг бошланишига тайёргарликдир. Шуни ҳам айтиш керакки, Европадаги бир қатор давлатлар Югославияга инсонпарварлик ёрдамларини жўнатмоқдалар. Бундан ташқари Англия, Германия, Туркия, Италия, АҚШ ва бошқа мамлакатлар ўз ҳудудларида 1,5 мингдан то 20 мингга қадар Югославия қочоқларини жойлаштиришга розилик билдирдилар. Қочоқларнинг сони эса тобора ошиб бормоқда ва уларнинг сони ҳозир 400 минг кишидан ошиб кетди.

• **Кеча** расмий Белград пасха байрами муносабати билан бир томонлама, вақтинчалик ўт очишни тўхтатишни эълон қилди, бироқ НАТО раҳбарияти бу даъватни қўллаб-қувватламади.

• Ливия 1988 йилда Шотландиянинг Локерби шаҳри узра учиб бораётган Америка самолётининг портлашида айбланаётган ўзининг икки фуқаросини БМТ вакилларига берди. Маълумки, ана шу портлаш пайтида 270 киши ҳаётдан кўз юмган эди. Айбланаётганлар Голландияга олиб келинди. Бу ерда улар Гаага халқаро суди олдида Шотландия қонунлари бўйича ўз қилмишлари учун жавоб беришлари керак. Суд бошланиши биланоқ БМТнинг Ливияга нисбатан қўллаётган жазо чоралари олиб ташланиши кутилмоқда.

• **Кеча** Хитой Халқ Республикасининг Бош вазири Чжу Жунцзи расмий ташриф билан АҚШга жўнаб кетди. Унинг Оқ уй маъмурияти билан олиб борадиган музокаралари пайтидаги асосий масалалардан бири АҚШ билан Хитой ўртасидаги товар айланмаси муаммоси туради.

• Туркия хавфсизлик кучларидан хабар қилинишича, мамлакатнинг шарқий қисмида курд жангариси портлаб кетди. Унинг танасига портлаш қурилмаси ўрнатилган эди. Портлаш пайтида бошқа қурбонлар бўлгани йўқ.

# «ПАХТАКОР»НИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

КЕЧА

***Республикамизнинг саккизта шаҳрида олий лига жамоалари ўртасида тўртинчи тур баҳслари бўлиб ўтди. Тошкентда турнир жадвалида 7-ўринда бораётган «Пахтакор» жамоамиз олий лиганинг янги командаси — «Янгиер»ни қабул қилди.***

Майдонга М. Қосимов, Н. Ширшов, А. Писарев каби етакчи ўйинчиларнинг тушмаганлиги сабабли беллашув бошларида «Пахтакор»нинг ўйини унчалик қовушмади. Жумладан, «Янгиер»нинг қарши ҳужумларидан бирида С. Ғофуровнинг ҳисобнинг очилишига оз қолди.

Ўйиннинг 40-дақиқасида «Пахтакор» жамоаси сардори Игорь Шквирин Нуъмон Нурматов чиқариб берган тўпни тўхтатиб ўтирмасдан аниқ зарба билан дарвозага йўллади. Худди шу ҳисоб билан беллашувнинг биринчи бўлими якунланди.

52-дақиқада рақиблар дарвозасига чамаси 18 метрлардан жарима тўпи белгиланганида майдонда М. Қосимов ва Н. Ширшов каби кучли зарба усталарининг йўқлиги сабабли ишқибозлар уф тортишди. Бироқ А. Хвастунов берган кучли зарба худди замбаракнинг ўқи сингари яшин тезлигида дарвоза тўрига тушди. Орадан беш дақиқа ўтгач А. Акопянц дарвозабон билан яккма-якка чиқиб, ҳисобни оширди.

Орадан бироз оз ўтгач «Янгиер» ҳужумчиси Д. Каримқуловнинг зарбасидан сўнг ҳисобдаги фарқ қисқарди. Ўйиннинг охирги дақиқасида А. Акопянц яна дарвозабон билан яккама-якка чиқиб, ҳисобни 4:1 га етказди.

Шу турнинг қолган ўйинлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Хоразм» — «Навбаҳор» — 0:1, «Насаф» — «Сурхон» — 1:0, «Зарафшон» — «Андижон» — 1:2, «Бухоро» — «Дўстлик» — 1:3, «Сўғдиёна» — «Трактор» — 4:4, «Нефтчи» — «Темирйўлчи» — 5:1.

*Дилмурод ИСМОИЛОВ.*

*Фикрлар хилма-хиллиги*

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАЪСИРЧАН ОМИЛИ

***Республикамиз Президентининг қўшни Қозоғистонга сўнгги сафари юзасидан аэропортда журналистларга берган интервьюсида муҳим бир масала эътиборимни тортди: Юртбошимиз атрофини ўраб олган ёш мухбирларга қарата: бизларга фикрлар хилма-хиллиги керак, бу фикрлар очиқ айтилиши, қизғин мунозараларга сабаб бўлиши зарурлиги, бусиз демократик тараққиёт ва умуман тараққиётнинг бўлмаслиги ҳақида жон куйдириб гапирдилар. Бир қолипдаги гаплардан, фикрлардан қочиш кераклиги ҳақида қимматли ғоялар ўртага ташланди.***

Мазкур интервьюда фикрлар хилма-хиллиги ҳақидаги гаплар бежиз айтилмаганди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ одамларнинг фикрини қашшоқликдан халос этиш, табиат, жамият, тараққиёт масалалари ҳақида ҳар бир фуқаро ўз фикрига эга бўлиши, уни баралла айта олиши ҳамда шу фикрини ақл-заковат доирасида ҳимоя қила билиши борасида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу муносабат билан Юртбошимизнинг мамлакат Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги нутқида баён этилган қуйидаги гапларини эслаш ўринли:

— Эндиги асосий вазифа, — деган эдилар Президентимиз, — кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутилмаса, инсон тўла озод бўлмайди.

Бу гаплар замирида чуқур маъно, ҳаётий ҳақиқат ётибди. Зеро биз бунёд этмоқчи бўлган келажаги буюк давлатни — ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини фақат озод, эркин фикрлайдиган, халқи, Ватани бахт-саодати йўлида онгли равишда ўзини фидо қиладиган одамларгина бунёд этишлари мумкин.

Юртбошимиз ҳамиша ўз фаолиятимизда, дунёқарашимизда ўтмишдан, тарихимиздан сабоқ олишимиз зарурлигини уқтирадилар. Ҳақиқатан ҳам жаҳоннинг юксак тараққий этган мамлакатлари андозалари асосида янги жамият қуришга киришган эканмиз, узоқ ва яқин ўтмишимизни ҳам чуқур билишимиз, ундан теран хулосалар қилиб, бугунги ва эртанги вазифаларимизни белгилашимиз керак бўлади. Боболаримизнинг буюк мероси, жаҳон маънавияти ривожига буюк ҳисса қўшган, ўзбек давлатчилигини юксакларга кўтарган соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли ҳаёти ва васиятлари бизни улар изидан бориб, бугунги кун нуқтаи назаридан бутун халқига муносиб ҳаёт тарзини таъминловчи буюк давлатни барпо этишга ундайди. Шу билан бирга яқин ўтмишимиз — шўролар даврининг аччиқ сабоқлари бу йўлда коммунистик ғоя якка ҳокимлиги мустамлакачилик қуллигидан, манқуртликдан ҳам ўзимизни, ҳам онг-шууримизни, тафаккуримизни озод этишимизни талаб қилади.

Ҳақиқатан ҳам Қизил империянинг бутун сиёсати халқимизни ўзининг буюк ўтмиши — тарихидан, маънавиятидан энг эзгу ва табаррук анъаналаридан айириш, маънавий қашшоқлиги ва заифлигига ҳар биримизни ишонтириш ва шу асосда коммунистик истибдодга абадий бўйсундиришга қаратилганди. Коммунистик ғояларнинг кучлилиги, уларнинг замирида бутун-бутун халқларни асоратда, жаҳолатда асраш, асрий қулликка маҳкум этиш мақсади яширинганлигини англаш, унга қарши бош кўтарган халқимизнинг минглаб асл фарзандлари жисмонан йўқ қилинди, узоқ Сибирга сургун қилинди. Қатағонларда энг истеъдодли ватанпарвар ўғлонларимиз қурбон бўлиб кетишди. Эркпарварлик, халқпарварлик ғоялари, ўз халқи тақдирига, келажагига қайғуришнинг ҳар қандай кўриниши аёвсиз йўқ қилинар, ҳур фикрлилик қаттиқ жазоланарди.

Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида кўриш орзуси билан яшаб, бунинг учун кураш олиб борган ҳақиқий ватанпарварларимиз номларини буюк Истиқлолимиз туфайли билиб олдик, уларнинг буюк ҳурматлари жойига қўйилмоқда. Минг шукурки, юртимизда мустақиллик қуёши барқ уриб чиқди — халқимиз букилган қаддини тиклай бошлади. Айниқса, 70 йиллик қизил террор «иситма-безгаги»дан кейин ҳам жисмимиз, ҳам руҳимиз соғая бошлади.

Социализмнинг энг мудҳиш асоратларидан бири якка ғоя ҳукмронлигининг суяк-суягимизга сингиб кетганлиги эди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда Истиқлол туфайли юз берган миллий тикланиш, уйғониш жараёнларини аввало миллий тафаккурни уйғотиш, одамларни мустақил фикрлашга ўргатиш вазифаси кўндаланг бўлди. Шунинг учун ҳам юртбошимиз дастлабки кунларданоқ бу ҳақда гапирибгина қолмай, фуқаролик эркинлиги, инсон эркинлигининг ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий-сиёсий асосларини яратишга алоҳида эътибор бериб келдилар. Инсон ҳуқуқларини кафолатловчи, унинг жамият тараққиёти йўлидаги саъй-ҳаракатларини рағбатлантиришга қаратилган ўнлаб қонунлар қабул қилинди.

Яна ўша Қозоғистонга сафар олдидан Президентимизнинг ёш журналистлар билан мулоқотига келадиган бўлсак, улар очиқ-ойдин фикрлар хилма-хиллиги, фикрлар тўқнашувисиз мунозараларда тўғри йўлни топишга ўрганмай туриб, ривожланиш, тараққиётга эришиб бўлмаслигини таъкидладилар. Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши фикр билан курашиш — бу давримизнинг энг асосий шиори — нафақат шиор, ҳаёт тарзи бўлиб қолмоқда.

Мазкур фикрлар қуруқ гаплар бўлмай давлатимиз сиёсатининг туб маъносидан келиб чиқади. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи илк Конституциямиз, унинг асосида қабул қилинган қонунлар буларнинг ишончли кафолатидир. Худди шу асосда мамлакат аҳолиси турли табақалари манфаатлари, сиёсий-маънавий қарашларини ифодаловчи сиёсий партиялар, ҳаракат ва жамоат ташкилотлари ташкил топди, фаолият юритмоқда. Улар мамлакат парламентида фракциялари орқали ўз сайловлари, ўз ижтимоий қатламлари манфаат ва интилишларини ифодаламоқдалар.

Албатта, сиёсий партияларимиз ҳали оёққа туриш жараёнини бошидан кечираётгани маълум. Улар асосий эътиборни қонунчиликни мустаҳкамлаш, жамият турли табақалари, барча фуқаролар манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ифодаловчи қонун ижодкорлиги билан шуғулланишга қаратаётганлари, бошқа соҳаларда ўз фаолликларини унчалик намоён эта олмаётганлари ҳам маълум. Бундай бўлиши ҳам табиий.

...Агар жаҳон тарихини олиб қарайдиган бўлсак, — деган эдилар шу муносабат билан Юртбошимиз Россия оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан мулоқотда, — ривожланган давлатлардаги бугунги кунда маълум тарихга, салмоққа эга, давлат ва жамият ҳаётига таъсир ўтказа оладиган барча партияларнинг салоҳияти бирданига шаклланиб қолмагани — улар жуда кўп синов ва хатолар, парвоз ва инқирозларни бошидан кечирганини кўриш қийин эмас. Кўп йиллар давомида демократик давлатлардаги кучли партиялар мазкур жамият билан мутаносиб равишда ривожланган, тажриба орттирган, куч тўплаган...

Мамлакатимизда фаолият юритаётган Халқ демократик партияси, «Адолат», «Ватан тараққиёти», «Миллий тикланиш» партиялари, «Халқ бирлиги» ҳаракати, айтиш мумкинки, худди шундай жараённи бошдан кечирмоқда, тажриба тўпламоқда. Шу партиялар фаолларининг кўпчилиги мамлакат олий ҳокимияти органига бўлажак сайловларда ўзини кўрсатиши, парламентдан, кейинроқ эса ҳукуматдан кўпроқ жой эгаллаш учун, сиёсий кураш олиб боражакларини очиқ билдиришаётгани бежиз эмас. Энг ёш партия — Фидоқорлар миллий демократик партияси эса ҳозирданоқ сиёсий майдонда уларга жиддий рақиб бўладиганга ўхшайди...

Албатта ҳуқуқий-демократик жамиятнинг муҳим белгилари бўлган мазкур партиялар ўзлари вакили бўлган аҳоли турли қатламлари ижтимоий-сиёсий қарашларини акс эттириб, фикрлар хилма-хиллигини таъминлайдилар.

Юртбошимиз ўз асарлари ва нутқларида демократиянинг асосий тамойилларидан бўлган ҳар бир партиянинг ўз ғояси, ўз интилишлари бўлиши кераклиги, ўз тарафдорлари ва муҳолифларига эга бўлиш зарурлиги ҳақидаги фикрни такрор-такрор олға сурмоқдалар. Партияларнинг ўзига хос хусусиятлари ана шунда ўз ифодасини топиши керак. Албатта, буларнинг ҳаммаси маданиятлашган тарзда, яъни фикрга қарши фикр билан курашиш, ўз платформасининг афзаллигини амалий иш билан асослаш асосида олиб борилиши даркор. Партияларнинг фаолияти, ўзаро муносабатлари мамлакатнинг бўлиниб кетишига олиб келишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Жамиятдаги хилма-хил ижтимоий кучлар, турли миллат ва элат вакилларини бирлаштирадиган қудратли бир куч борки, у ҳам бўлса — миллий ғоя — яъни умуммиллий манфаатларни ифодаловчи мафкурадир. Хилма-хил қарашлар охир-оқибатда миллий жипсликни мустаҳкамлашга ижтимоий барқарорлик, миллатлар тотувлиги ва ҳамжиҳатлигига хизмат қилиши керак. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «жамиятни бўлиб ташлаш одамларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш, турли беқарорликларни келтириб чиқарадиган ғоялар бизга керак эмас. Энг муҳими, ҳар қандай партиялар, сиёсий гуруҳлар, жамоат бирлашмалари ўз фаолиятларида конституциявий меъёрларни ҳурмат қилишлари ва унга риоя этишлари талаб этилади. Энг муҳими — ҳали ғалабаларимизнинг асоси, буюк мақсадларга эришишимизнинг ишончли кафолати — бу тинчлик-осойишталик, фуқаролик тотувлиги, барча ижтимоий-сиёсий кучларнинг олий мақсад йўлидаги муштараклиги. Буни қадрлаш ва мустаҳкамлаш ҳар бир соғлом фикр юритувчи кишининг виждон бурчидир».

«Бугун ҳар қандай сиёсий партия номига эмас, балки чинакам фаолият кўрсатишни истаса, — деб таъкидлаган эдилар Президентимиз Ислом Каримов «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавоб берарканлар, — жамиятда етакчи мавқени қўлга киритмоқчи бўлса, агар унинг аъзолари ўзини шу азиз Ватаннинг асл фарзандлари деб билса, халқ ичига бориши, жамиятимизнинг турли қатламлари орасида истиқлолни мустаҳкамлаш, уни бало-қазолардан, ёвуз назарлардан, ёмон кўзлардан сақлаш учун кечаю кундуз тиним билмай ишлаши керак.

Ҳа, ҳар бир инсоннинг, ҳар бир ижтимоий гуруҳ, ҳар бир партиянинг ўз манфаатлари, ўз қарашлари, ўз ғоялари бор. Лекин айни пайтда уларнинг буюк келажакни яратишдек улуғ мақсад йўлида, халқимиз умумий бахт-саодатини таъминлаш йўлида хизмат қилувчи буюк ғоя — миллий муштараклик ғояси ҳам борки, унга амал қилиш халқимизнинг ва ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз.

*Мирсодиқ МИРИЛЁСОВ,*
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.*



Пойтахтимизда қад кўтараётган замонавий бинолар шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

*Тарихий обидаларимиз*

# «КЎКАЛДОШ»НИ САҚЛАБ ҚОЛГАН ФИДОЙИ ИНСОН





***Асрлардан асрларга ўтиб, камол топаётган янги авлодлар дилига ҳам завқу шавқ бағишлаётган тарихий ёдгорликларимиз биз учун доимо муқаддасдир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай деган эдилар: «Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, буюк Шарқ мутафаккирлари Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур асарлари бутун башариятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди».***

***Ана шу бебаҳо мулкимиз, олтинга тенг қимматбаҳо меросимизни асрашга мустақил Ўзбекистонимизда катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз раҳнамолигида миллий маданиятимиз, тарихий мерос ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, келажак авлодларга етказишга катта эътибор қаратилаётганлиги маънавий янгиланиш борасида муҳим босқич бўлмоқда.***

***Ўзига хос тарихга эга бўлган пойтахтимиз Тошкент шаҳри қадимий ёдгорликлари билан маълум ва машҳурдир. Ана шундай қадимий ёдгорликлардан бири пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Чорсу» майдонига кўрк бўлиб турган «Кўкалдош» мадрасасидир. Ушбу мадрасанинг яратилиши ва гўзал обидалар қаторидан ўрин олиши ҳақида архитектор Абдужаббор Яҳёев шундай ҳикоя қилади:***

— Кўҳна Чорсу тепалиги устига XV асрнинг ўрталарида нақшбандийлар жамоасининг вакили бўлган Хўжа Аҳрор Вали томонидан унинг маблағига мадраса, масжид, карвонсарой ва бошқа кўплаб бинолар қурилди. XVI асрда эса бу тепаликда «Кўкалдош» мадрасаси қад кўтарди. Мадраса биноси 1523 йилда Наврўз Аҳмадхон — Бароқхоннинг ўртанча ўғли Дарвешхоннинг забардаст вазири Кўкалдош (хон билан бир онани эмган) томонидан бунёд этилган. Ўша вақтларда Кўкалдош мадрасаси, Жомеъ масжиди, Хўжа Аҳрор мадрасаси, ҳаммом, чойхона, ошхона, савдо-сотиқ расталари каби биноларнинг қадимий Шаҳристон тепалиги устига қурилиши шаҳар кўркига кўрк қўшиб, улуғвор меъморий мажмуани ташкил қилган.

Кўкалдош мадрасасининг меъморий геометрик ечими, томонларининг нозик ранг-баранг, турли кошинкор парчинлар билан безатилиши, салобат билан юқорига бўй чўзган нафис ташқи ва ички пештоқлари ҳамда гумбазларининг чиройли нақшлари билан ўша даврда Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа йирик шаҳарлардаги муҳташам ёдгорликлардан асло қолишмаганлиги шу кунларда ҳам яққол кўриниб туради. Ўз тарихи давомида неча бор вайронага айланган бинонинг илк кўринишидан бизнинг давримизга ҳовлининг тўрт томонини ўраган равоқли, гумбазсимон ҳужралари, устунли ёзги ҳужра айвонлари, ҳар томонлама ҳужралар билан ўралган чўзинчоқ ҳовлиси ва кичик ҳовли сақланиб қолган. Ана шу пештоқларда сақланиб қолган баъзи нақш қолдиқлари бино ичи ҳам ўз вақтида юксак дид билан ишланганлигидан далолат беради.

XVIII аср бошларига келиб мадраса биноси турли сабабларга кўра ташландиқ ҳолатга келди. 1868—1886 йилларда бўлиб ўтган кучли зилзилада мадраса бош пештоқининг юқори қисми равоқ бошланишига қадар қулаб, мадраса ярим вайронага айланди. Айниқса, 1946 зилзила натижасида қаттиқ шикастланиб, кўп қисми қулаб тушди. 1950 йиллардан бошлаб ўрта асрнинг ноёб меъморчилик ёдгорлигини кенг кўламда ўрганиш, сақлаш ва таъмирлаб, қайта тиклаш ишлари малакали меъморлар ҳамда қобилиятли халқ усталари томонидан муваффақиятли амалга оширилди. Мадраса биносини қайта тиклашда халқ устаси Ширин Муродов ганчкорлик ва сиркорлик ишларини бажарди. Ёдгорликнинг бош ва ҳовли пештоқларини безашда эса кулол Муҳиддин Раҳимов томонидан тайёрланиб, пиширилган турли рангдаги кошинлар ишлатилди.

1992 йили эса бухоролик таъмиркор уста Аҳрор Асқаров томонидан мадрасанинг жанубий ҳовли пештоқи қайта тикланиб, дастлабки ҳолатига келтирилди ва бунинг натижасида меъморий обида янада ёшарди.

**Абдужаббор Яҳёев «Кўкалдош» мадрасасини сақлаш ва унинг аввалги гўзаллиги, шон-шуҳратини тиклашда бор маҳоратини ишга солган бетакрор усталаримиз ҳақида батафсил тўхталди. Яна бир суҳбатдошимиз — Ўзбекистон Архитекторлар уюшмасининг фахрий президенти Феруз Ашрафий эса «Кўкалдош» мадрасасини ҳалокатдан қутқаришда жасорат кўрсатган инсон Абдуқаҳҳор Олимбоев ҳақида қуйидаги ибратли воқеани сўзлаб бердилар.**

— Шайхонтоҳур туманида 94 та тарихий ёдгорлик мавжуд бўлса, улар орасида Чорсудаги «Кўкалдош» мадрасаси ўз салобати билан шаҳримиз кўркидир. Хориждан келган меҳмонларнинг аксарияти бу тарихий обидани зиёрат қилмай кетмайдилар. Мана ўн йилдирки, ана шу ёдгорлик олдидан ўтар эканман, бугун шу муқаддас меросимизни фалокатдан сақлаб қолишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб фидойилик кўрсатган инсон ҳақида ўйлайман. Яхшиси, воқеа ҳақида сўзлаб бера қолай.

1970 йилларда ўз тарихини, маданиятини ва ёдгорликлар қадрини тушуниб етмаган айрим ўртоқлар ён-атрофдаги кўп қаватли бинолар ва савдо расталарига катта ҳажмдаги иссиқлик қувури тармоқлари ва муҳандислик иншоотларини мақбаранинг тагидан ўтказишган. Бу ҳам етмаганидек, қувурнинг бошқарув пульти қурувчиларнинг айби билан тарихий обида остига жойлаштирилган экан.

Орадан йиллар ўтиши билан муҳандислик тармоқлари эскириши натижасида иссиқлик босими ошиб кетиши оқибатида 1989 йилнинг куз фаслида авария содир бўлган. Тунги соат 2 ларда ташвишли хабар Шайхонтоҳур туман кенгашининг депутати, туман ҳокимлигининг коммунал хўжалик масалалари бўйича бош мутахассиси Абдуқаҳҳор Олимбоевни ниҳоятда сергаклантирди. Чунки «Кўкалдош» мадрасаси остидаги иссиқлик қувури ёрилиб, отилаётган қайноқ сув тарихий обидага хавф солаётган эди. Тун бўлишига қарамай Абдуқаҳҳор Абдураимович тегишли жойларга сим қоқди ва зудлик билан чора кўриш учун мадрасага етиб келди. Устига устак ўз вақтида қурувчилар томонидан ушбу иссиқлик қувури коммунал ташкилотларнинг ҳисобига топширилмагани сабабли эгасиз қолган эди.

Абдуқаҳҳор ўша дамда айбдорларни қидириш вақти эмаслигини, тезликда чора-тадбирлар кўриш лозимлигини тўғри тушунди. Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси жамоаси кўпгина ташкилотларга мурожаат этишди. Барча ташкилотларнинг вакиллари ҳам «Агар авария бартараф этилмаса, мадрасани ювиб вайронага айлантиради, шу сабабли ҳам иссиқлик қувурини тезда бошқа жойга кўчириш лозим» деб маслаҳат беришди-ю лекин маблағ йўқлиги сабабли ёрдам бера олмасликларини очиқ тан олдилар.

Вақт кутиб турмайди, албатта. Ана шуни ҳисобга олган Абдуқаҳҳор Олимбоев мадраса жамоаси илтимосига биноан ғоятда масъулиятли вазифани ўз зиммасига олди. Қутқариш ишларига ўзи бошчилик қилиб, туманда жойлашган ташкилот ва корхоналарга мурожаат қилди. Саккиз ой мобайнида савоб ишга бош қўшган вазирликлар, лойиҳа институтлари, коммунал хўжалигига қарашли ташкилот раҳбарлари билан биргаликда сув балоси бартараф этилиб, мадраса сақлаб қолинди.

Бу ишда, албатта туманда 1971 йилдан буён фаол меҳнати билан халқ ҳурматига сазовор бўлиб келаётган Абдуқаҳҳор Олимбоевнинг ташкилотчилиги ва жонкуярлиги катта аҳамият касб этди. Унинг ўз халқини, Ватанини севиши, тарихий меросимизга, миллий қадриятларимизга меҳр-муҳаббати барчага ўрнак бўла олади. У ҳамиша олтин меросимиз ҳисобланган тарихий обидаларни авайлаб-асрашга интилади. «Сузукота» мақбараси ва бошқа кўпгина меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ишларида ўз ёрдамини аямаган. Доимо гўзаллик, софлик, эзгулик сари интилган бу инсон эл-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилар экан, унга халқининг дуоси йўлдош бўлиб келмоқда...

**Феруз Ашрафий Абдуқаҳҳор Олимбоевнинг инсонийлик фазилатлари, айниқса камтарлиги хусусида алоҳида тўхталдилар. Биз Абдуқаҳҳор ака билан суҳбатлашгач, у кишининг яхшилик йўлида ҳамиша хизматга тайёрлигига ва камтарлигига яна бир бор амин бўлдик.**

— Мана шу гўзал тарихий обидаларимизга қараб, у ерларни зиёрат қилиб, ота-боболаримизнинг нақадар билимдон, зукко, қўли гул уста, юксак дид эгалари бўлганлигини яна бир бор ўз кўзимиз билан кўрамиз. Биз ҳамиша улардан ўрганишимиз лозим ва шу боис ҳам юртимиздаги ҳар бир тарихий ёдгорликни кўз қорачиғидек асрамоғимиз зарурдир.

«Кўкалдош» мадрасасига келсак, у пойтахтимизнинг кўрки, албатта. Мен бу ёдгорликни ҳалокатдан сақлаб қолишда иштирок этганимдан фахрланаман. Чунки бу менинг шу юрт фарзанди сифатидаги ҳақиқий бурчим эди деб ўйлайман. Яна бу ишни амалга оширишда ўша даврда менга яқин кўмакдош бўлган «Ўзсувқурилиш» концерни раисининг ўринбосари Мурод Пўлатов, «Тошиссиқликқуввати» бирлашмаси бош директорининг ўринбосари А. Ашрафхўжаев, «Ўзгипромелиорация сув хўжалиги» лойиҳа институти раҳбари ўринбосари Геннадий Цюриковларнинг номини ҳам алоҳида таъкидлашни истайман.

Яна шуни таъкидлашни истардимки, мадрасани ҳалокатдан қутқариб, биз ўз инсонийлик бурчимизни адо этдик, холос. Бундай савобли ишга ҳар бир одам ўз ҳиссасини қўшиши керак. Чунки Президентимиз доимо таъкидлаганларидек, ҳар бир содиқ фарзанд «Элим деб, юртим деб ёниб яшаши керак».

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

*Саноат*

# ТАЛАБ ЮҚОРИ

***Пойтахтимиздаги 8-темир-бетон буюмлари заводи ҳам қурилиш тармоғининг йирик мажмуаларидан бири саналади. Бугунги кунда ушбу корхона маҳсулотларига буюртмачиларнинг талаби юқори бўлмоқда. Бу корхонада 200 дан ортиқ маҳсулот турлари ишлаб чиқарилаётгани ҳам бунинг яққол исботидир.***

Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда олиб борилаётган айни даврда корхонада тайёрланаётган темир-бетон жиҳозларининг харидорлари доимо топилади. Шу туфайли ҳам бугунги кунда жамоада буюртмаларни ўз вақтида бажариш учун иш юксак унум билан олиб борилмоқда. Айниқса, корхонада ташкил этилган ва мустақил фаолият кўрсатаётган электродлар тайёрлаш цехида иш ҳар қачонгидан ҳам қизғин тус олган. Цех жамоаси турли ўлчамдаги энг зарур шундай пайвандлаш ускуналарини пешма-пеш тайёрлаб, буюртмачиларни хушнуд этишмоқда.

Айниқса, хом ашёнинг ўз вақтида етказилиши ишчиларнинг самарали ишлашига замин ҳозирламоқда. Чунки бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиши, қад ростлаётган биноларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши уларнинг саъй-ҳаракатларига ҳам маълум даражада боғлиқ, албатта. Бугунги ҳаракат, юксак унум ана шунга қаратилган.

*Дилноза ҒИЁСОВА.*

*9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун*

# ИНСОНИЯТНИНГ ЭНГ УЛУҒ ДАҲОЛАРИДАН БИРИ

*Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.*

**Ислом КАРИМОВ.**



***9 апрелда жаҳонга машҳур саркарда, буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темурнинг таваллуд топганига 663 йил тўлади. Бу улуғ зотнинг қисқа, аммо мазмундор умри давомида босиб ўтган йўли кўп жиҳатдан ҳайратомуздир.***

Соҳибқирон Амир Темур 1336 йил, 9 апрелда (736 йил 25 шаъбон) Кеш (Шаҳрисабз) вилоятининг Хўжа Илғор қишлоғида дунёга келди. Унинг отаси амир Муҳаммад Тарағай барлос қабиласига мансуб беклардан бўлган. Онаси Бухоро фузалоларининг энг улуғи — садр ул-шаръиа (шариат қонунларини шарҳловчи)нинг қизи — Текина Моҳ бегим эди. Амир Тарағайнинг тўрт ўғли ва икки қизи бўлган, Темур Суюрғатмиш, Оламшайх, Жўги нуён; қизлар Қутлуғ Туркон оғо ва Шербийк оғо.

Амир Тарағай аввало комил мусулмон ва баҳодир жангчи бўлган. Шунингдек, уламою фузалога ихлосманд, илм аҳлига ҳомий ва иштиёқманд киши эди. Амир Тарағай ўз замонасининг мулкдор кишиларидан бўлиб, Чиғатой улусига мансуб ҳукмдорлар билан яқин муносабатда эди.

Амир Темурнинг туғилиши ҳамда гўдаклик даври ҳақидаги манбаларни янада чуқур ўрганиш лозим... Амир Тарағай ўз замонасининг анъаналарига кўра, ўғлига от миниш, ов қилиш, хат-савод чиқариш ҳамда Ислом аҳкомларини ўргатувчи мураббийлар тайинлайди. Шунинг натижаси ўлароқ, ёш Темурни етти ёшидаёқ мадрасага ўқишга берадилар. У мадрасага келганда алифбодан мукаммал хабардор бўлган, ўз она тилидан ташқари форс тилини ҳам биларди. Аммо кўпчилик рус ва Европа олимлари Амир Темурни саводсиз деб талқин қилиб келганлар ва бу ақида кўпчиликнинг назарида «ҳақиқат»дек ўрнашиб қолган. Бироқ, кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Амир Темур ўз замонасининг ўқимишли ва уқувли ҳукмдорларидан бўлган экан. Дарҳақиқат, Амир Темур мамлакатни ривожлантиришда илму фаннинг аҳамияти беқиёс эканлигини яхши тушунган ҳукмдор бўлиб, олиму ҳунармандларга эҳтиром билан қараган. Зотан ўзи тиббиёт, математика, фалакиёт, меъморчилик ва тарих илмидан тузуккина хабардор бўлган. Амир Темур билан юзма-юз ўтириб суҳбатлашиш шарафига мушарраф бўлган буюк араб файласуфи Ибн Халдуннинг таъкидлашича, жаҳонгир турк, араб, форс халқлари тарихини чуқур ўрганган, диний, дунёвий ва фалсафий билимларнинг энг мураккаб жиҳатларигача яхши ўзлаштира олган зот экан.

Темур 16—18 ёшида қиличбозлик, найзабозлик ва шикор (ов) қилиш санъатини моҳирона эгаллайди ва 20 ёшида эса абжир чавандоз бўлиб етишади. Амир Темур сиёсат майдонига кириб келган пайтда Мовароуннаҳр мўғуллар истибдоди остида инграмоқда эди. Дарҳақиқат, Чингизхон ва Ботухон босиб ўтган ерларни кули кўкка совурилган, шаҳар ва қишлоқлар вайронага айланган, сув иншоотлари бузиб ташланган ёки ишга яроқсиз ҳолга келтирилган эди. Чингизхон Мовароуннаҳрни ўзининг иккинчи ўғли Чиғатойхонга суюрғол сифатида инъом қилган эди. Чиғатой улусига мансуб бўлган мўғул хонлари Мовароуннаҳрда бир ярим аср мобайнида ҳукмронлик қилдилар. Улар мамлакатни ободонлаштириш, сув иншоотлари қуриш ва меҳнаткаш халқ аҳволини яхшилашга қизиқмадилар. Аксинча, мамлакат моддий бойлигини талаш, қашшоқ халқ оммасини янада эзиб, турли-туман солиқ ва ўлпонлар йиғиш билан шуғулландилар. Мўғул хонлари аввалги пайтларда бир-бирлари билан тотувликда ҳукмронлик қилган бўлсалар-да, кейинчалик XIV асрнинг иккинчи чорагига келиб, уларнинг ораларида низолар чиқиб, ўзаро қонли урушларнинг кўпайишига олиб келди. Табиийки, тинимсиз давом этган бундай қирғинбарот урушлар қашшоқлашган халқ оммасини ҳолдан тойдирган эди. Хуллас, Амир Темур сиёсат майдонига кириб келган пайтдаги Мовароуннаҳрнинг аҳволи ана шундай эди.

Амир Темур балоғатга етгач, ватанни мўғул истибдодидан халос қилиш йўлларини қидира бошлайди. Кўп ўтмай Темур отаси Муҳаммад Тарағай билан бирга Мовароуннаҳр ҳукмдори амир Қозоғоннинг қабулида бўлади ва унинг мулозаматида бўлади. Амир Қозоғон навқирон Темурдаги ғайрат ва букилмас ирodадан фойдаланиш мақсадида ўз набираси Ўлжой Туркон оғони (амир Ҳусайннинг синглиси) Темурнинг никоҳига киритади. 1357 йили навбатдаги ўзаро жанглардан бирида Мўғулистон хони Туғлуғ Темур Булдой ўз қайнотаси амир Қозоғонни ҳалок этади. Тахтга амир Қозоғоннинг ўғли Абдулла ўтиради. Бироқ, 1358 йили амир Ҳожи Барлос ва Баён Сулдуз Абдуллага қарши уруш очадилар. Жангда Абдулла енгилиб, тахтни ташлаб Андаробга қочади. Шундан сўнг Баён Сулдуз ва Ҳожи Барлос Мовароуннаҳрнинг бир қисмини қўлга киритиб, ўзаро тақсим қиладилар. Хусусан Ҳожи Барлосга Кеш вилояти тегади. 1358 йилда Кеш вилояти ҳокимлигининг Ҳожи Барлос қўлига ўтиши — қарийб бир ярим асрдан сўнг ҳокимият мўғул босқинчиларидан маҳаллий аҳоли қўлига ўтишининг дебочаси эди.

Аммо Мўғулистон ҳукмдори Туғлуқ Темурхонга Мовароуннаҳрдаги сўнгги воқеалар, яъни маҳаллий аҳолининг ҳокимиятга интилиб, жойларда вужудга келаётган халқ ҳаракатлари тинчлик бермай қўйганди. Туғлуқ Темурхон Чиғатой наслидан Дувахоннинг набираси бўлиб, Чиғатой улуси — Мовароуннаҳрни ўз тасарруфига киритишни режалаштирган эди. Бинобарин, у 1359 йили катта қўшин билан Мовароуннаҳрга босиб киради. Кеш вилоятининг ҳукмдори Ҳожи Барлос Туғлуқ Темурхонга бардош бера олмаслигини фаҳмлаб, ўз яқинлари билан Хуросонга қочади. Табиийки, амакиси Ҳожи Барлос 24 ёшли жияни Темурни ҳам ўзи билан бирга олиб кетиш тараддудида эди. Аммо жувонмардлик руҳида тарбияланган Темурда орият, ҳамият кучли бўлиб, ватани, халқи бошига оғир кунлар соя солиб келаётган бир пайтда юртни душман иродасига ташлаб, ўзи четда томошабин бўлиб туролмасди. Бинобарин, у қатъий бир фикрга келиб, амакиси Ҳожи Барлосга «Сиз бораверинг, мен қийин кунда эл ичида бўлишим керак» деб, амакисини Хуросонга кузатиб, ўзи Кешга қайтиб кетади.

Амир Қозоғон вафотидан сўнг Мовароуннаҳрда қудратли ҳукмдор қолмаганди. Мамлакатда сиёсий-ижтимоий тарқоқлик ҳукмрон эди. Чунончи, Кеш вилоятида Ҳожи Барлос, Хўжанд вилоятида Боязид Жалойир, Шибирғонда Муҳаммад Хўжа Опардий, Балх вилоятида амир Ҳусайн ибн Мусаллаб, Бадахшонда маҳаллий шоҳлар ва Хутталонда эса амир Кайхусрав ҳукмронлик қилардилар. Низомиддин Шомийнинг таъкидлашича, мазкур ҳукмдорлар орасида ҳамжиҳатлик йўқ эди. Аксинча улар бир-бирларига ўта кибру ҳаво билан қарар ва натижада турли-туман келишмовчиликлар, исён, ғалаён ва қирғинлар келиб чиқишига сабаб бўлардилар.

-1-

Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон вафотидан сўнг унинг ўғли Илёсхўжа Мовароуннаҳрдан қувиб чиқарилади. Бироқ Илёсхўжа Мовароуннаҳрдек бой ўлкадан умидини уза олмайди ва 1365 йили Мўғулистондан катта қўшин тўплаб, Мовароуннаҳрга бостириб келади. Амир Темур ва амир Ҳусайн ўз қўшинлари билан Илёсхўжага қарши курашадилар. Мазкур жанг ҳозирги Чиноз билан Тошкент оралиғида бўлиб, тарихга машҳур «Лой жанги» бўлиб киргандир. Бу жанг пайтида қаттиқ жала ёғиб, ер сирғанчиқ ва ёпишқоқ лой бўлиб, отлиқ учун ҳам, пиёда учун ҳам юриш қийинлашади. Амир Ҳусайннинг қатъиятсизлиги натижасида жангда душман ғолиб келиб, улар Самарқанд томон юрадилар. Аммо, Самарқанд халқи сарбадорлар раҳбарлигида Илёсхўжа қўшинини енгиб, Мовароуннаҳр ҳудудидан чиқиб кетишга мажбур қиладилар.

1366 йили баҳорда Амир Темур ва амир Ҳусайн Самарқанднинг Конигил мавзесига келиб ўрнашиб сарбадорларнинг ғалабаларини табриклаб, уларнинг раҳнамоларини ўз лашкаргоҳларига таклиф қиладилар. Сарбадорларнинг бошлиқлари лашкаргоҳга келганларида амир Ҳусайн уларни тутдириб, қатлга буюради. Амир Темурнинг жонбозлиги туфайли фақат Мавлонозодагина қатлдан омон қолади. Ушбу воқеадан сўнг Амир Темур билан амир Ҳусайн ўртасида ўнгланмас низо вужудга келади. Амир Ҳусайн энди Амир Темурга нисбатан зимдан душманлик хатти-ҳаракатини бошлайди. Амир Ҳусайннинг қалтис ниятини тушунган Амир Темур ундан илгарироқ жанг тараддудига киришади. 1370 йили Амир Темур ўзининг яхши қуролланган қўшини билан амир Ҳусайннинг қароргоҳи Балхни қамал қилади ва амир Ҳусайнни асирга олади. Амир Темур амир Ҳусайнни Хутталонли Кайхусравга топширади.

1370 йил 6 майда Амир Темур қурултойнинг қарорига мувофиқ Мовароуннаҳр ҳукмдори сифатида тахтга ўтиради. Бироқ мамлакатда аҳвол оғир эди. Мовароуннаҳр ҳудуди ҳали мўғул истилочиларидан батамом халос бўлмаган, қашшоқликка маҳкум этилган меҳнаткаш халқ оғир кунларни бошдан кечирмоқда эди. Амир Темур тахтга ўтиргач, биринчи ҳаракатни мамлакатни мўғул истилочиларидан озод қилиб, мустақил марказлашган давлатни барпо қилишга қаратди. Салтанатни бошқаришда янги ва мукаммал тартиб ва қоидалар жорий қилди. Мовароуннаҳрда Кепакхон (1318—1326) томонидан жорий қилинган маъмурий туманларни сақлаб қолиб, мазкур туманларга янги мингбоши ва туманбошилар тайинлади.

1370 йиллардаёқ Амир Темур Самарқанд шаҳар деворини қурдиришга киришди. Шунингдек, қўрғон ва саройлар бино қилдирди. Бу қурилишлар — мўғуллар истилосидан 150 йил кейинги биринчи қурилишлар эди.

Марҳум академик Иброҳим Мўминов таърифлаганидек, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида икки давр яққол кўзга ташланади. Биринчи давр 1370—1386 йилларни ўз ичига олади. Темур бу даврда марказлашган мустақил давлат тузиш йўлида курашди. Мовароуннаҳрни бирлаштиришдан манфаатдор бўлган турк ва тожик зодагонлари — оқ суяклари каби социал кучлар билан биргаликда ўрта аср ўзбошимча феодалларига марказлашиш ва бирлашишга зид ҳаракатларга, мамлакатни парчаланган ҳолатда сақлашга интилувчиларга, ўзаро урушларга ундовчиларга қарши кураш олиб борди. 1386 йилдан то умрининг охиригача ўз салтанати муҳофазаси учун қўшни мамлакатлар билан жанг олиб борди. Соҳибқирон Темур 1370 йилдан 1404 йилгача Хуросон, Эрон, Ироқ, Озарбайжон, Гуржистон, Арманистон, Ҳиндистон, Олтин Ўрда ва Туркия билан жанг қилиб, салтанат ҳудудини шарқда Хитой деворига қадар, шимолда Елецга, ғарбда — Ўрта ер денгизига, жанубда эса Миср чегараларига қадар кенгайтирди.

Инсоният тарихида бўлиб ўтган урушлар сабаби, туб моҳиятини илмий асосда таҳлил қилинса, барча чигалликлар бирин-кетин ечила боради. Бинобарин, соҳибқирон Темур яшаган давр, тарихий шароит ўзига хослиги билан ажралиб туради. У даврда шундай вазият устувор эдики, ё сен душманингни мағлуб этиб, салтанатинг қудратини оширасан ёки ғанимларинг сени мажақлаб, давлатингни босиб оладилар. Табиийки, Амир Темур ҳам ўша давр фарзанди, ўшандай ижтимоий ҳаёт вакили, аниқроғи ўша замон ҳукмдорларидан бири эди.

Зотан Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қарши юриши (1395) ана шундай жазо бериш тариқасида кечган эди. 1376 йили Оқ Ўрданинг ҳукмдори Ўрусхон Олтин ўрдага қарши ҳарбий юриш қилади. Мазкур юришда Манғишлоқ ҳокими Тўйхўжа Ўғлон қатнашишдан бош тортади. Бундан ғазабланган Ўрусхон Тўйхўжа Ўғлонни қатл эттиради. Тўйхўжа Ўғлоннинг ўғли Тўхтамишхон Амир Темур ҳузурига паноҳ истаб қочиб келади ва ўз хизматини таклиф қилади. Темур масалани атрофлича ўрганиб, Оқ Ўрдада ўз одами бўлишини назарда тутиб, Тўхтамишга ёрдам қўлини чўзади. 1379 йили Амир Темур Тўхтамишни қувватлаб Оқ Ўрдага қарши жанг қилади. Жангда Ўрусхон мағлубиятга учраб, қатл қилинади. Оқ Ўрда тахтига Тўхтамишхонни ўтказиб, ўзи Самарқандга қайтади.

Аммо, Тўхтамишхон Оқ Ўрда хони бўлиб олгач, Амир Темурнинг умидларини пучга чиқарди. Тўхтамишхон дастлабки йилларда Темур томонидан берилган ҳар қандай ёрдамни бажонидил қабул қилар ва четдан қараганда ўз ҳомийсига миннатдор ва содиқдек кўринарди. Амалда эса сиёсий найрангбоз сифатида иш кўрарди. Орадан бироз вақт ўтгач, мустақил сиёсат юргизиб, ҳатто валийнеъмати Темурнинг манфаатларига зид келадиган ҳаракатларни ҳам бошлаб юборди. Айниқса, 1381 йилда Олтин Ўрда ҳукмдори Мамайни енгиб, Жўжи улусида ҳокимиятни қўлга киритгандан сўнг Олтин Ўрданинг қудратини ошириш ва унинг улуғ давлатчилик сиёсатини қайта тиклаш учун ҳаракат қилади.

1395 йил 15 апрелда Терек дарёси водийсида Амир Темур қўшини билан Тўхтамишхон қўшини ўртасида ҳал қилувчи ҳаёт-мамот жанги бошланади. Бу жанг фақат Тўхтамишхоннинг тақдирини ҳал қилиб қўя қолмай, балки бутун Олтин Ўрда тақдирини ҳам ҳал қилди.

Амир Темурнинг 1395 йилда Тўхтамишхон устидан қозонган ғалабаси тарихан жуда муҳим аҳамиятга эга эди. Зеро, Амир Темур томонидан Тўхтамишхонга берилган зарбадан сўнг Олтин Ўрда қайта ўзига кела олмади ва иккинчи даражали давлатга айланиб қолди. Унинг қўл остида қарийб 170 йилдан буён асоратда ётган халқлар жумладан, рус халқи учун ҳам истиқбол йўллари очилди. Бу ҳақда А. Ю. Якубовский шундай деб ёзган эди: «1395 йилда Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси, Астрахан ва айниқса Олтин Ўрда пойтахти Сарой Берканинг хароб қилиниши ва ёндириб юборилиши фақат Ўрта Осиё ва ўша вақтдаги

-2-

жануби-шарқий Европа учунгина эмас, балки рус учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Рязан ерини талон-тарож қилиб вайрон этган оқсоқ Темур, гарчи ёвуз қилмишлари билан рус халқи хотирасида ёмон ном қолдирган бўлса-да, аммо Тўхтамишни енгиш билан рус ерига объектив суратда катта хизмат кўрсатган, лекин шундай бўлиб чиқишини унинг ўзи мутлақо пайқамаган».

1402 йилда Амир Темур Туркия ҳукмдори Боязид Йилдирим (Яшин) билан жанг қилади. Аслида Боязиднинг жиззакилигидан келиб чиққан бу тўқнашув, Анқара шаҳри яқинида Боязиднинг икки юз минглик қўшинини ўраб олиб, тор-мор қилиниши ва асирга олиниши билан якунланади.

Амир Темур ўзининг «Тузуклар»ида Боязид Йилдирим билан бўлган жангнинг келиб чиқиш сабаблари ва тафсилотини қуйидагича изоҳлайди: «Менинг шон-шавкат ва қудратим овозаси Рум қайсарининг қулоғига етди. У Қора Юсуфнинг иғвосига учиб, менга қарши лашкар тортган эди. Қолаверса Миср ва Шом (Сурия) аскарларини ҳам ёрдамга чақирган эди. Мен Боязидга мактуб йўлладим: «Сенинг насли насабинг ким эканлиги жаҳон халқи олдида маълумдир. Шундай экан, ҳолингга муносиб иш тутиб, журъат оёғини олдинга қўймаки, ранжу меҳнат балчиғига ботиб, бало чуқурига йиқилғайсен. Иқбол эшигидан ҳайдалган бир тўда иғвогар кишилар ғаразли ниятларини амалга ошириш учун сенинг паноҳингдан жой топиб, ухлаб ётган фитнани уйғотмишлар. Яна ўшаларнинг иғвоси билан офат ва бало эшигини давлатинг юзига очмағил. Мазкур мактаб етиши билан Қора Юсуфни менинг олдимга юборгил. Йўқ эса тақдир пардаси икки лашкар сафлари тўқнашганда юзингга очилғусидур».

Амир Темурнинг Боязид Йилдиримга юборган элчиси рад жавобини олиб келади. Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, Боязид ўзининг жавоб хатида ўз ҳузурига Амир Темурнинг бўйин эгиб келишини талаб қилган, акс ҳолда Амир Темурнинг аёллари уч талоқ (талоқ би-с-салоса) бўлсин деган ҳақоратли сўзларни ёзган. Табиийки, бундай қалтис жавобдан сўнг Амир Темурнинг жангга кирмаслиги мумкин эмас эди. Ниҳоят 1402 йил 25 июлда Анқара яқинида бўлган муҳорабада Боязид қўшини мағлубиятга учраб, Боязид ва унинг ҳарами асирга олинади. Ўғли шаҳзода Сулаймон жанг майдонини ташлаб қочади. Мазкур жангда ўз кўзи билан кўрганларини ёзиб қолдирган Низомиддин Шомийнинг ёзишича, Туркия султони Боязид Йилдирим жангда мағлубиятга учраб, жанг майдонидан чиқиб кетаётган пайтида, Мовароуннаҳрнинг хони Султон Маҳмудхон (Амир Темур томонидан тайинланган хон) уни асирга олиб, Амир Темур ўрдагоҳига жўнатади. Қўли боғлиқ Боязидни хуфтон вақтида Амир Темурнинг ҳузурига олиб келишади. Шу аснода Амир Темурда шоҳона мурувват жўш уриб, Боязиднинг қўлларини ечиб, унга меҳрибонлик билан иззат-икром кўрсатишларини буюради. Сўнгра Боязидни ўзининг ёнига ўтказиб, дўстона суҳбатлашади.

1402 йилдаги қўлга киритилган ғалаба Амир Темурнинг буюк саркардалик маҳоратини жаҳонга намойиш қилибгина қолмай, балки бутун Европа мамлакатларини даҳшатли таҳликадан халос қилди.

Айрим тарихчилар Амир Темурни қонхўр босқинчиликда Чингизхон билан бир ўринга қўядилар. Агар тарихга илмий ёндошсак, ўз юртида Чингизхондан нима мерос қолди? Фақат Керулен яйловида тошдан ўйиб ишланган баҳайбат тошбақагина қолган, холос. (Бу тошбақа Чингизхоннинг чодири ёнига ўрнатилган эди.) Амир Темур фаолиятидан эса жаҳонни лол қолдирадиган осори атиқа обидаларию тарихий ҳужжатлар гувоҳлик бериб турибди.

Жаҳонга машҳур буюк саркарда соҳибқирон Амир Темурнинг шахси ҳақида сўз юритганда, унинг шакли-шамойили қандай эканлигини тасаввур қилиш учун, аввало таниқли араб тарихчиси Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ул-мақдур фи аҳбори Таймур» номли асарида келтирилган маълумотларга мурожаат қилсак мақсадга мувофиқ бўлади. «Темур гавдаси келишган, узун бўйли одам эди. Пешонаси очиқ, калласи катта, овози жарангдор бўлиб, кучи жасурлигидан қолишмас эди. Оқиш юзини оқ қизил ранг жилолантириб турарди. Елкалари кенг, бармоқлари тўлиқ, қовурғалари узун, мускуллари кучли эди. Қарашлари ёқимли, ўлимни писанд қилмасди. У қарийб 70 га кириб, ўлим асносида ҳам ақл-заковати ва жасоратини йўқотмаган эди. У ёлғон-яшиқнинг душмани бўлиб, ҳазилни ёқтирмасди. Ўзининг олдида қотиллик, аёллар номусига тажовуз қилганлик, мазлум ва мазлумаларни зўрлаш, талон-тарож қилиш ҳақида гапиришга йўл қўймасди. У ҳақиқат қанчалик аччиқ ва оғир бўлмасин, уни эшитишни яхши кўрарди. Яхши ёхуд ёмон ҳолатлар унинг кайфиятига ҳеч қандай таъсир қилмасди. Жасур аскарнинг дўсти, ғоят мард ва ботир бўлган бу одам кишиларни ўзини ҳурмат қилишга, ўзига бўйсундиришга мажбур эта биларди».

Амир Темурнинг сиймоси, хулқ-атвори ва фазилатлари ҳақида унинг замондошлари кўпгина маълумотларни ёзиб қолдирганлар.

Соҳибқирон Амир Темур серқиррали мураккаб шахсдир. Унинг хислатларидан бири шу эдики, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон олимлари билан маслаҳатлашар, сўнгра аниқ ва қатъий қарор қабул қиларди. Унинг олиму фузалолар билан ўтказадиган анжуманлари ҳар хил мезонда ва турли шаклларда бўлган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, кўпинча Амир Темур тиббиёт, математика, астрономия, тарих, адабиёт ва тилшунослик илми намояндалари, шунингдек, илоҳиёт ва дин соҳасидаги машҳур кишилар билан махсус суҳбатлар ўтказарди.

Амир Темур саройида кўплаб илм-маърифат кишилари ҳукмдорнинг марҳаматидан баҳраманд бўлиб хизмат қилардилар. Амир Темур одамлар билан яқин мулоқотда бўлиб, аҳли илм, аҳли ҳунар, аҳли дин ва аҳли меҳнатга умид кўзи билан қараб, уларга юксак илтифотлар кўрсатган.

Соҳибқирон мамлакат ободончилиги йўлида хазинани аямади. Зарафшон, Амударё ва Сирдарёга кўприклар қурилди. Тошкент атрофига каналлар ўтказилиб, Оҳангарон қишлоғига асос солинди. Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Туркистон (Ясса) ва бошқа шаҳарларда карвонсаройлар, ҳаммомлар, мақбаралар, мадрасалар, хонақоҳлар, шунингдек, шаҳарлараро карвон йўлларида работлар ва сардобалар қурилиб, савдо-тижорат ишларининг ривожланишига шароит яратди. Бундан ташқари, Амир Темур Самарқанд жамолини тубдан ўзгартиришга қарор қилиб, Кўксарой, Бибихоним мадрасаси ва масжидини қурдирди ҳамда Шоҳи зинда ансамблини такомилига етказди. Мазкур биноларнинг айримлари ҳозиргача ўз салобатини кўз-кўз қилиб турибди. Шунингдек, Самарқанд шаҳрининг атрофида Боғи шамол, Боғи дилкушо, Боғи Чинор, Боғи биҳишт каби 12 та боғни бунёд эттирдиким, бу боғлар ўз даврида кенг халқ оммаси учун истироҳат масканига айланган эди.

-3-

Амир Темур 1404 йилда машҳур етти йиллик ҳарбий юришдан ғалаба билан қайтиб келгач, ҳали ҳордиқ чиқариб улгурмасданоқ Хитойга қарши юришга тараддудланади. У 1404 йил 27 ноябрда Самарқанддан чиқиб Ўтрор томон йўл олади. У Оқсулот мавзеига келиб 28 кун туради. Амир Темур ўз беклари ва ҳарбий саркардаларининг кўпчилигини қишлаш учун Шоҳруҳия, Тошкент ва Сайрамга жўнатган эди. Ҳукмдорнинг қароргоҳида фақат амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳмалик ва амир Хўжа Юсуфларгина қолган эдилар. Катта қўшиннинг ўнг қаноти соҳибқироннинг набиралари Халил Султон Мирзо ва Аҳмад Мирзолар раҳбарлигида Тошкент, Шоҳруҳия ва Сайрамда чап қаноти эса набираси Султон Ҳусайн Мирзо бошчилигида Туркистон ва Саброн шаҳарларида қишламоқда эди. 1404 йил 25 декабрда Амир Темур Оқсулотдан йўлга чиқиб, 1405 йил 14 январь чоршанба куни Ўтрорга келиб тўхтайди. Амир Темур Ўтрорда 35 кун туради. Шу аснода Амир Темурнинг мижозида касаллик вужудга келиб, кундан-кун аҳволи оғирлашади. Тиб илмининг билимдони мавлоно Фазлулло Табризий бошчилигида бир неча табиблар ҳукмдорнинг касалига хилма-хил муолажалар қилсалар-да, аммо хасталик кун сайин кучая боради.

Амир Темур ярим тунда туш кўриб, сесканиб уйғонади ва кўрган тушини Сарой Мулк хонимга баён қилади; «Ҳар икки чеккаси қамишлар билан ўралган катта йўлда отимни елдириб кетаётган эдим. Тўсатдан қамишлар шитирлаб қолди. Мен ўша томонга қарадим. Қарадиму ҳайратдан от жиловини тортиб тўхтаб қолдим. Қамишзор ичидан падари бузрукворим шитоб билан чиқиб келаётган эдилар. Мен ҳайрат ичида отдан тушиб, отам истиқболларига юра бошладим. Аммо падари бузрукворим менга илтифот қилмай, менинг олдимдан ўтиб бориб, отимнинг эгар-жабдуқларини ечиб олиб, ўз келган йўллари яъни қамишлар орасига кириб, кўздан ғойиб бўлдилар. Мен катта йўл устида гарангсиб, яланғоч от ёнида турганим ҳолда уйғониб кетдим», деб, бу хосиятсиз туш таъбирини ўз умрининг тугаганига қиёслаб «Ҳар ҳолда паймона тўлганга ўхшайди», — дейди. «Яхши ният қилинг, улуғ амир, дард бошқа, ажал бошқа, шукр, саломатлигингиз яхши!» кўз ёшини тўкиб, тасалли беради Сарой Мулк хоним.

— Йиғидан фойда йўқ, хоним! Тақдирни табдил қилиб бўлмас... Шукр, тонг ҳам ёриша бошлади. Посбонга буюринг, амир Шоҳмалик, амир Шайх Нуриддин ва амир Хўжа Юсуфлар эрталаб ҳузуримга кирсинлар!

Амирлар соҳибқирон қароргоҳига кирганларида, у тўшакда беҳол ётарди. Сарой Мулк хоним ҳукмдорга яқинлашиб, амирлар ташрифи ҳақида секингина шивирлагач, у кўзини оҳиста очиб, яқинроқ келиб ўтиришларига ижозат беради. Амирлар қисқагина ҳол-аҳвол сўрашишгач, ҳукмдорнинг оёқ томонида — пойгоҳдан жой олиб, бутун вужудлари, қулоққа айланган ҳолда ерга қараб ўтирардилар. Ҳукмдор оҳиста кўзини очиб, амирларга бир-бир разм солгач, энтикиб-энтикиб сўз бошлайди:

— Маълумингиз бўлғайким, Жаҳонгир Мирзонинг фарзанди Пир Муҳаммад Мирзони валиаҳд этиб тайинлайдурман, токи Самарқанд тахти ва аркони давлат анинг ҳукми фармонида бўлғай! Мамлакат ва миллатнинг осойишталиги қўшин салоҳиятининг мукаммаллиги, раиятнинг хотиржамлиги борасида фойдали тадбирлар кўрсин. Бинобарин, сизлар ҳам шижоат ва эҳтиром борасида унга байъат (ишонч) билдириб, салтанатни бошқаришда, эл-юртнинг тинчлиги, мусулмонларнинг осойишталиги учун ҳамжиҳат бўлиб кўмаклашмоғингиз лозим. Чунончи, сизларнинг ҳамжиҳатлик ва иттифоқ билан қилган ишларингиз узоқ-яқиндаги дўст-душманларга кўриниб турсин, токи ўзаро низоларга ўрин қолмагай ва ҳеч ким салтанатга қарши исён кўтаришга ўзида жасорат топмағай. Билакс ўзаро низолар вужудга келиб, раият бошига ташвиш ва надоматлар ортиб, мамлакат ободонлиги барҳам топгай. Инчунун менинг кўп йиллик саъй-ҳаракатларим зоеъга кетгай...

Амир Темур ҳолсизланиб кўзини юмади. Амир Шайх Нуриддин оҳиста сўз бошлайди:

— Агар амри олий вужудга келса Тошкент, Самарқанд ва Ҳиротга хабар юборсак, токи фарзанди дилбандларингиз—шаҳзодалар зудлик бирлан етиб келиб, жаноби олийларининг ҳусни таважжуҳларидан баҳраманд бўлиб, гавҳарфишон насиҳатларингизни ихлос қулоғи бирлан тинглаб, итоат камарини белларига боғласалар фойдадин холи бўлмас эрди.

Амир Темур аста кўзини очиб, амирларга мунгли назар соларкан, чап қўлини кўтариб, аввал кўрсаткич бармоғини, кейин ўрта бармоғини қўшиб кўрсатади-да, қўлини тушириб, кўзини юмиб олади. Амирлар ҳукмдорнинг имо-ишорасига тушуна олмай, саросимага тушиб, ҳаммалари Сарой Мулк хонимга савол назари билан қарайдилар. Шу аснода ҳукмдор яна кўзини очиб амирларга қараб:

— Вақт танг, бир ёки икки кунлик умр қолди. Афсус уларни кўриш насиб бўлмади. Энди дийдор кўришмак қиёматга қолди, — деб кўзини юмади.

Дарҳақиқат, эртаси 1405 йил 18 февраль (17 Шаъбон 807) чоршанба кун кечаси шом билан хуфтон ўртасида жаҳонга машҳур саркарда соҳибқирон Амир Темур курагон ҳаётдан абадий кўз юмади. Дарҳақиқат, биз Амир Темур ва унинг шукуҳли авлодининг тарихини ўрганар эканмиз, уларнинг қалбида ватан ҳисси, ватанга садоқат, фуқарога раҳнамолик, аҳкоми шариатга эътиқод, аҳли илм ва аҳли ҳунарга ихлос каби умуминсоний бурчлар ҳар доим мавжланиб турганини кўрамиз. Модомики, бобокалонларимиз ва момоларимиз ушбу эзгу фазилатларни эъзозлаб, амал қилган эканлар, бу маслак бизга ибрат бўлмоғи лозим.

*Турғун ФАЙЗИЕВ,*
*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими.*

-4-

***Ҳар йили 7 апрель Жаҳон саломатлик куни сифатида нишонланади. Бу сафар ушбу сана «Жисмоний фаоллик — узоқ умр гарови» шиори остида ўтмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Равшан Султонов билан суҳбатлашдик.***

*Бугун — Жаҳон саломатлик куни*

# УЗОҚ УМР ГАРОВИ

**— Равшан Тўлаганович, суҳбатни бугунги кунда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида бошласак.**

— Бугунги кунда дунёнинг деярли ҳар бир давлатида тиббиёт соҳаси ислоҳ қилинмоқда. Бу ишнинг бир қанча модели бор. Шулардан бири суғурта тиббиётидир. Бу 100 йилдан буён Европа мамлакатларида амалда қўлланилмоқда. Лекин бизда бозор иқтисодиётига ўтиш даври бўлгани сабаб бу усул ўзини ҳозирча оқламайди. Шунга кўра бизда Президентимизнинг Фармонларига кўра тиббиётни ислоҳ қилиш учун махсус Давлат дастури ишлаб чиқилди. Бунда халқимизнинг ўзига хос миллий ва демографик жиҳатлари ҳисобга олинди. Махсус дастурга кўра тиббий хизмат кўрсатишда давлат муассасалари қатори аралаш, яъни бир қисми давлатга қарашли бир қисми пулли бўлган тиббий муассасалар ҳамда хусусий клиникалар фаолият кўрсатади. Бундан ташқари тиббиётнинг айрим соҳалари тўлалигича бепул бўлади. Поликлиникалар, тез тиббий ёрдам хизмати ҳам текин ишлайди. Бу тадбирларнинг барчаси юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини жаҳоннинг ривожланган давлатларидаги шундай тизим даражасига олиб чиқишдир.

**— Энди бевосита бугунги кунги тиббиёт шиори — «Жисмоний фаоллик — узоқ умр кўриш гарови» хусусида гаплашсак. У ҳамшаҳарларимиз турмушида қай даражада акс этмоғи керак деб ўйлайсиз?**

— Бу байрам жаҳон миқёсида 53 марта, яъни 1947 йил 7 апрель Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тузилган кундан буён нишонланмоқда. Ўзбекистон бу ташкилотга 1992 йили аъзо бўлган. Шиор масаласига келсак, у бугунги кунда жуда муҳим. Аслида инсон саломатлигини кўп ҳолларда унинг турмуш тарзи белгилайди. Бугунги кунда жамиятимиздаги одамларда кам ҳаракатлилик оқибатида семириб кетиш, турли касалликларга йўлиқиш ҳоллари кузатилмоқда. Ҳолбуки, инсон қадимда яшаб қолиш учун бир неча километр масофани босиб ўтишга, оғир меҳнат қилишга кўниккан эди. Лекин техниканинг тараққий этиши, жисмоний меҳнатнинг енгиллашуви инсонга қанчалар қулайлик олиб келмасин, бошқа томондан унинг соғлиғига путур етказганини тан олмай иложимиз йўқ. Аммо бу гап техника тараққиётини қоралаш эмас. Инсон ҳар қандай шароитда маълум миқдорда жисмоний ҳаракат қилиб туриши зарур, чунки у соғлиқ гарови.

Бунга кўпчилик амал қилмагани сабаб бир қанча касалликлар келиб чиқмоқда. Хусусан, ортиқча вазндан қутулиш айримлар учун катта муаммога айланиб қолган. Ҳар уч кишининг бири йўғон ичак хасталигидан азият чекиши, бу эса куланж дардини пайдо қилаётганига сабаб гиподинамия, яъни камҳаракатлилик эмасми? Фурсатдан фойдаланиб, айрим одатларимиз ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Наҳорда бериладиган ошларга боришчи? Бу одат тўйиб ухламасликка, оиланинг тонгги безовталигига, ошқозонни бор кучи билан ишлаши натижасида хасталанишига, қўйингчи, инсон иш фаолиятининг сусайишига сабаб бўлади. Ҳолбуки, ошқозон ўз ширасини энг кўп миқдорда кундузи соат 13 да ишлаб чиқаради. Ахир у билан ким ҳисоблашади?

**— Маълумки, Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳрида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисида»ги қарорида шу йил 31 мартдан бошлаб ҳар чоршанбада югуриш, ҳар якшанбада маҳалла спорти кунлари ўтказилиши ҳам қайд этилган. Ушбу ташаббус билан бугунги шиор ўртасида ўзаро уйғунлик бўлмай илож йўқ...**

— Албатта шундай. Юқорида айтганимдек, бизда кўпчилик жисмоний машқлар билан ўз соғлиғини мустаҳкамлашга етарли эътибор қаратмайди. Бирор киши эрта тонгда кўчада югурадиган бўлса, унинг устидан мазах қиладиганлар ҳам топилади. Бутун дунёда эса эрталаб югуриш одамларнинг одатий ишига айланган. Америкада Президентлар учун махсус югуриш майдончаси бор, кўчакўйдаги ҳар бир устунга тўп ташлайдиган тўр ўрнатилган. Шундан бўлса керак, бу мамлакат баскетболда анча олдинлаб кетган. Бельгия, Люксембург, Дания, Хитой каби мамлакатларда асосий ҳаракатланиш воситаси велосипед эканининг боиси ҳам ўша жойларда саломатликка асосий эътибор қаратилишидан албатта. Юқорида зикр этилган ҳужжатларнинг аҳамияти бениҳоя катта. Гарчи бугунги кунда шаҳримиздаги маҳаллаларнинг барчасида ҳам спорт майдончалари кўринмаса-да, бир кун келиб улар ҳар куни гавжум бўлишига ишонаман. Чунки инсон ўз соғлиғини мустаҳкамлаш борасида ўзи қайғурмас экан, унга ҳеч бир шифокор ёрдам беролмаслигини тушуниш пайти келди.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.*

*Эл соғлиғи йўлида*

# МАҲАЛЛА СПОРТИ КУНИ

**барча туманларда мароқли ўтди**

***4 апрель — якшанба куни шаҳримизнинг барча туманларида ўтказилган маҳалла спорти кунлари том маънода оммавий спорт байрамларига айланиб кетди.***

Қаерга борманг, хоҳ у мактаб спорт майдончалари, маҳаллалар гузари, корхона, ташкилотларнинг спорт базалари бўлмасин ҳамма жойда ажойиб спорт руҳи, саломатлик, бардамлик ва тетиклик учун интилиш ҳукм сурди.

Бектемир туманидаги «Сувчи» даҳасида жойлашган «Зилола» маҳалласи томонидан Г. Красницкий номли стадиони ҳудудида ўтказилган спорт байрами айниқса, уюшқоқлик билан ташкил этилганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Стадионда эрта тонгдан янграган мусиқа садолари маҳалла аҳлини файзли спорт гўшасига чорлади. 10 ёшдан 55 ёшгача бўлган 100 га яқин маҳалладошлар 100, 500 метрга югуриш, узунликка сакраш бўйича ўзаро куч синашишди.

Сўнг Чилонзордан меҳмон бўлиб келган спорт мактабининг ёш чарм тўп усталари ҳамда тумандаги 25-БЎСМ футболчилари ўртасида футбол беллашувлари бўлиб ўтди. Биринчи ўйинда 3:1 ҳисобида мезбонлар устун келган бўлса, иккинчи баҳсда 2:1 ҳисобида меҳмонларнинг қўллари баланд келди.

Тушликдан кейин эса маҳалладаги катта ёшдаги кишилар «Зилола-1» ва «Зилола-2» жамоаларига бўлинган ҳолда тўп сурдилар. Хуллас, шу кунги маҳалла спорти байрамида 400 дан ортиқ киши саломатлик сари дадил қадам қўйди.

— «Зилола» маҳалласи кўп миллат вакилларидан ташкил топган бўлиб, маҳалла спорти кунини уюшқоқлик билан ташкил этишда бизга унинг оқсоқоли Тошхўжа ака Эшхўжаев катта ёрдам берди, — деди биз билан суҳбатда туман спорт қўмитасининг раиси Маҳмуд Долматов. — Зеро, 4 мингдан ошиқ аҳоли истиқомат қилувчи маҳалла аҳлининг 10 фоизи саломатлик байрамида қатнашишининг ўзи муҳим ютуқдир. Футбол, енгил атлетика баҳслари байрамона руҳда, қизиқарли ўтди. Жуда кўп кишилар шу куни спортнинг сеҳрли кучига тан бердилар. Зеро, ушбу тадбирни ташкил қилишдан асосий мақсад ҳам аҳолини оммавий спортга жалб этиш, унинг воситасида саломатликларини мустаҳкамлашдир. Ана шу мақсадга албатта эришамиз.

Акмал Икромов туманидаги «Ўриқзор» ва «Мустақиллик» маҳаллаларида ўтказилган спорт куни ҳам файзли ва чиройли ўтди. Маҳаллалар марказларида маҳалладошлар шахмат-шашка, армрестлинг, стол тенниси, тош кўтариш бўйича куч синашдилар. Ғолибларга дипломлар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Шайхонтоҳур туманидаги «Гулобод» маҳалласида эса шу куни 180 киши шахмат, 45 киши шашка, 60 нафар ёш-яланг эса стол тенниси мусобақаларида беллашди.

Шаҳримизнинг бошқа туманларидаги кўплаб маҳаллаларда ҳам дастлабки маҳалла спорти кунлари юқоридаги каби қизиқарли беллашув, ўзига хос спорт мусобақаларига бой бўлди. Энди 11 апрелда навбатдаги маҳалла спорти кунида байрам руҳи бошқа маҳаллаларга кириб боради.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*







*СУРАТЛАРДА: шаҳримиз туманларида ўтказилган «Маҳалла спорти куни»дан лавҳалар.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


## ШАҲАРЛАРАРО ВА ХАЛҚАРО АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Сизнинг эътиборингизга айрим мамлакатлар ва шаҳарлар рақамларида юз берган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни етказамиз:

1. **Кореяда Сеул** шаҳридаги абонентларнинг рақамлари ўзгарди. 2XX, 638, 667 рақамлари билан бошланадиган номерларига «2» рақами қўшилади.

Масалан:

| Мамлакат коди | Ҳудуд коди | Мавжуд рақам | Янги рақам |
|---|---|---|---|
| 82 | 2 | 201XXXX | 2201XXXX |
| 82 | 2 | 638XXXX | 2638XXXX |

II. Ўзбекистон Республикаси абонентлари учун **Грузия**га «995» халқаро коди бўйича чиқиш имконияти очилди.

Чиқиш тартиби:
Тбилиси: 8+10+995+3+2XXXXXX.
Маълумотлар телефони: 93-45-49, 99-02-03.

III. Ўзбекистон Республикаси абонентлари учун **Литва**га «370» халқаро коди бўйича чиқиш имконияти очилди.

Чиқиш тартиби:
Вильнюс: 8+10+370+2XXXXXX.
«012» эски халқаро коди сақланади. Унинг ўчирилиши тўғрисида алоҳида хабар қилинади.

IV. Ўзбекистон Республикаси абонентлари учун **Латвия**га «371» халқаро коди бўйича чиқиш имконияти очилди.

Чиқиш тартиби:
Рига: 8+10+371+XXXXXXX.
Латвия т/м: 8+10+371+АБXXXXX.
«013» халқаро коди 1999 йил 15 апрелга қадар сақланиб туради.
Шунингдек, қуйидаги ўзгаришларга ҳам эътибор қаратинг:
— Прейл районида «1» билан бошланадиган абонентлар номерларининг биринчи рақами «7» рақамига ўзгартирилади, абонент номерининг охирги тўртта рақами ўзгармайди.
— Орг районида 394XX абонентларининг номерлари 390XX, 391XX, 396XX га ўзгартирилди.
Териш тартиби: 8+10+371+50+39XXX.
Шунингдек, 324-АТС абонентлари 250-АТСга ўтказилди.
Териш тартиби: 8+10+371+50+250XX.
— Ригада еттита рақамли номерларга ўтиш жараёни давом этмоқда. Янги номерларни териш тартиби: 8+10+371+7347XXX.

V. Ўзбекистон Республикаси абонентлари учун **Тожикистон**га «992» халқаро коди бўйича чиқиш учун имкон очилди.

Чиқиш тартиби:
Душанбе: 8+10+992+32+2XXXXXX, маълумотлар телефони: 213333.
Хўжанд: 8+10+992+34+22XXXXX, маълумотлар телефони: 40758.
Кулоб: 8+10+992+33+22XXXXX, маълумотлар телефони: 22222.
Қўрғонтепа: 8+10+992+32+22XXXXX, маълумотлар телефони: 22799.
Мавжуд тартибдан параллел равишда фойдаланиш 1999 йил 31 декабрга қадар сақланади.

**Республикага бўйсинувчи районлар (Душанбе маркази):**
Турсунзода: 8+10+922+31+30XXXXX, маълумотлар телефони: 22222.
Гарм: 8+10+992+31XXXXX, маълумотлар телефони: 22222.
Жирлатал: 8+10+992+31+32XXXXX.
Файзиобод: 8+10+992+31+35XXXXX, маълумотлар телефони: 3222.
Кофарнихон: 8+10+992+31+36XXXXX, маълумотлар телефони: 22222.
Ленинск: 8+10+992+31+37XXXXX, маълумотлар телефони: 22222.
Нурек: 8+10+992+31+38XXXXX, маълумотлар телефони: 22222.
Ҳисор: 8+10+992+31+39XXXXX, маълумотлар телефони: 26222.
Яван: 8+10+992+31+41XXXXX, маълумотлар телефони: 22140.
Шахринав: 8+10+992+31+55XXXXX.

**Ленинобод вилояти:**
Нов: 8+10+992+34+41XXXXX, маълумотлар телефони: 22222.
Ғофуров: 8+10+992+34+42XXXXX, маълумотлар телефони: 32222.
Қайроққум: 8+10+992+34+43XXXXX, маълумотлар телефони: 22222.
Бўстон: 8+10+992+34+45XXXXX, маълумотлар телефони: 22222.
Зафаробод: 8+10+992+34+52XXXXX, маълумотлар телефони: 52222.
Ўратепа: 8+10+992+34+54XXXXX, маълумотлар телефони: 21111.
Пролетарск: 8+10+992+34+55XXXXX, маълумотлар телефони: 22222.
Исфара: 8+10+992+34+62XXXXX, маълумотлар телефони: 22222.
Конибодом: 8+10+992+34+61XXXXX, маълумотлар телефони: 22124.
Панжикент: 8+10+992+34+75XXXXX, маълумотлар телефони: 52222.
Чкаловск: 8+10+992+34+51XXXXX, маълумотлар телефони: 54555.

**Кулоб ҳудуди:**
Восе: 8+10+992+33+11XXXXX, маълумотлар телефони: 22046.
Данғара: 8+10+992+33+12XXXXX, маълумотлар телефони: 22436.
Советский: 8+10+992+33+14XXXXX, маълумотлар телефони: 21222.
Московский: 8+10+992+33+150XXXX, маълумотлар телефони: 2411.
Пархар: 8+10+992+33+16XXXXX, маълумотлар телефони: 22460.
Ховалинг: 8+10+992+33+17+00XXX, маълумотлар телефони: 273.
Мўминобод: 8+10+992+33+18XXXXX, маълумотлар телефони: 21111.

**Қўрғонтепа вилояти:**
Ғозималик: 8+10+992+32+42XXXXX, маълумотлар телефони: 21140.
Хўжамастон: 8+10+992+32+430XXXX, маълумотлар телефони: 3599.
Бохтар: 8+10+992+32+45XXXXX, маълумотлар телефони: 21363.
Вахш: 8+10+992+32+460XXXX, маълумотлар телефони: 3222.
Колхозобод: 8+10+992+32+47XXXXX, маълумотлар телефони: 42222.
Жиликўл: 8+10+992+32+48XXXXX.
Қумсангир: 8+10+992+32+49XXXXX, маълумотлар телефони: 42222.
Панж: 8+10+992+32+520XXXX, маълумотлар телефони: 3940.
Шўртуз: 8+10+992+32+40XXXXX, маълумотлар телефони: 22222.
Қабадиён: 8+10+992+32+51XXXXX.

**Тоғли Бадахшон мухтор вилояти:**
Хорог: 8+10+992+35+220XXXX, маълумотлар телефони: 2703, 3889.

VI. **Иваново**да 41-АТС абонентлари гуруҳи 43-АТСга ўтказилди. 418XXX-419XXX номерлари 436XXX-437XXX га алмаштирилади. Маълумотлар учун телефон: 9909111.

VII. Қуйидаги шаҳар ва туман марказларида хизмат номерлари ўзгарди:

1. Чебоксари шаҳри — 9909111
2. Амурдаги Николаевск шаҳри — 63899
3. Бишкек шаҳри — 99910911
4. Владикавказ шаҳри — 538188
5. Ростов вилоятидаги Аксай т/м — 40009
6. Ленинобод вилоятидаги Панжикент шаҳри — 52222
7. Актюбинск шаҳри — 555555
8. Хоразм вилоятидаги Урганч шаҳри — 2262222, 2243840
9. Нукус шаҳри — 2242222, — 2242223
10. Қорақалпоғистондаги Бўстон т/м — 51012
11. Волгорад вилоятидаги Михайловка шаҳри — 41009
12. Удмуртия республикаси:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Воткинск т/м | 50262 | Сарапул т/м | 38809 |
| Шаркан т/м | 21023 | Вавож т/м | 21906 |
| Балезино т/м | 21115 | Селти т/м | 21209 |
| Глазов т/м | 43333 | Сюмси т/м | 21653 |
| Красногорск т/м | 21284 | Малая Пурга т/м | 21897 |
| Юкаменск т/м | 21992 | Якшур-Бодья т/м | 21971 |
| Яр т/м | 21505 | Алнаши т/м | 21222 |
| Дебесси т/м | 21226 | Грахово т/м | 21222 |
| Игра т/м | 30525 | Кизнер т/м | 21222 |
| Кез т/м | 21454 | Можга т/м | 31600 |
| Камбарка т/м | 22242 | | |
| Каракулино т/м | 21232 | | |

VIII. Тошкент шаҳридаги абонентлар учун **Самарқанд вилоятидаги қуйидаги туманлар марказига автоматик** алоқа очилди:
Оқтош 8+366+43+XXXXX, маълумотлар — 21222
Гўзалкент 8+366+65+№АТС, маълумотлар — 21122
Жума 8+366+46+№АТС, маълумотлар — 51222
Жомбой 8+366+47+№АТС, маълумотлар — 51222
Булунғур 8+366+44+№АТС, маълумотлар — 75222
Зиётдин 8+366+40+№АТС, маълумотлар — 31222
Иштихон 8+366+62+№АТС, маълумотлар — 92222
Қўшработ 8+366+64+№АТС, маълумотлар — 51222
Лаиш 8+366+49+№АТС, маълумотлар — 24222
Нуробод 8+366+63+№АТС, маълумотлар — 31222
Пайшанба 8+366+41+№АТС, маълумотлар — 42222
Тойариқ 8+366+42+№АТС, маълумотлар — 52222
Ургут 8+366+48+№АТС, маълумотлар — 22222

**Навоий вилоятининг туман марказлари**
Конимех 8+436+51+№АТС
Қизилтепа 8+436+55+№АТС
Янгиробот 8+436+54+№АТС

**ОЧИҚ ТУРДАГИ «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ.**



## ИМКОНИЯТИНГИЗНИ ҚЎЛДАН БЕРМАНГ!



*Сизнинг лотерея билетларини харид қилиш учун пул сарфлашингизга ҳожат бўлмайди.*

*Сиз электрдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаган ҳолда ушбу мукофотлардан бирининг соҳиби бўлишингиз мумкин.*

*Ҳар чоракда ўтказиладиган қимматбаҳо ютуқлар тиражида электр қуввати учун тўловлар бўйича қарзи бўлмаган маиший истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб рақамлари қатнашади.*

**Навбатдаги ютуқлар тиражи 15 апрелда ўтказилади.**





**Маълумотлар учун телефонлар: 133-82-03, 136-60-32.**

**Электр энергияси ҳақини ҳар ойда тўлашни унутманг!**

**Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси.**



## «МАЛИКА» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

*«Малика» ОАЖнинг 1998 йил фаолияти бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши 1999 йил 5 май куни соат 15.00 да «Малика» ОАЖ биносида ўтказилади.*

**Манзилимиз: Тошкент шаҳар, гвардиячи полковник Хўжаев кўчаси 2-уй.**
**Мўлжал: Ишчилар шаҳарчаси.**
**Маълумот учун телефонлар: 34-49-58; 34-49-89.**


Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бўйича Бошқармаси жамоаси Бошқарма бошлиғининг ўринбосари А. Й. Каримовга отаси **Йўлбарс Юнусович КАРИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.*

Буюртма Г-0269. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6